

## ҲАЛИМА ҲАМ ЎТИБ КЕТДИ, БИЛМАДИК...

Ҳаёт минглаб-миллионлаб тасодифларнинг бир нуқтада бизга мутлақ ноаён қонуниятлар асосидаги кесишувлари жамланмасидан иборатдек. Балки шу сабабидир, кечмиш воқеалиқларига нисбатан “агар” истилоҳини қўллаш ноҳомиздай туюлади. Аммо...

(Давоми 4-саҳифада) ➔



ЎДИ ҲАМИША ЁДДА

## БОТИР ЗОКИРОВ ҲАЙКАЛИ ОЧИЛДИ



Тошкент шаҳрида миллий эстрада санъати асосчиси, Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров ҳайкали очилди. Тадбирда Президент Шавкат Мирзиёев ҳам иштирок этди.

– Бугун ўзига хос санъат ва маданият байрами. Ушбу қувончли воқеа билан сиз, азизларни, раҳматли Ботир Зокировнинг яқинлари ва мухлисларини, бутун халқимизни самимий муборакбод этаман, – деди Президент.

Санъаткор хотирасини эъзозлаш, ижодий меросини ўрганиш бўйича кўп ишлар қилинмоқда. Хусусан, Президент қарори қабул қилиниб, 2021 йилда Ботир Зокировнинг 85 йиллик таваллуд айёми кенг нишонланди. Улуғ ҳофиз номидаги миллий мукофот таъсис этилди. У ҳақда илмий ва бадий асарлар, ҳужжатли фильм ва спектакллар яратилди. Яқинда Ботир Зокировнинг хотира кечаси мамлакатимиз жамоатчилиги ҳамда хорижий давлатлардан ташриф буюрган атоқли санъаткорлар иштирокида катта шодиёна сифатида ўтказилди.

Ботир Зокиров таҳсил олган Ўзбекистон давлат консерваторияси жойлашган кўчага унинг номи берилди. Ушбу консерватория ҳузурда Ботир Зокиров номидаги миллий эстрада санъати институти барпо этилди. Ҳайкал ҳам айнан ушбу мажмуада қад ростлади.

– Бу ҳайкал Ботир Зокиров хотирасига ўрнатилган рамзий бир тимсолдир. Айни пайтда Янги Ўзбекистонда маданият ва санъатни равиш равиш йўлида олиб бораётган барча ислохотларимиз ва уларнинг амалий натижалари бу улуғ ижодкорга энг муносиб ёдгорлик бўлади, – деди давлат раҳбари.

Маълумот учун, Ботир Зокиров 1936 йилда санъаткорлар оиласида туғилиб, вояга етган. 29 ёшида Ўзбекистон халқ артисти унвонига сазовор бўлган. 2000 йилда “Буюк хизматлари учун” ва 2021 йилда “Эл-юрт хурмати” орденлари билан мукофотланган.

Ботир Зокиров 49 йил умр кўрган. Лекин шу йиллар давомида ўздан ранг-баранг ва бой ижодий мерос қолдирган. Унинг сеҳрли овози юртимиздаги ҳар бир хонадонга кириб бориб, халқ қалбидан,

санъатнинг олтин фондидан жой олган. Дунёнинг маданият пойтахтларида ўзбек санъатини зўр муваффақият билан намойиш этган.

Хонанда 1955 йилда, айни кучга тўлган пайтда оғир дардга йўлиқди. Бир неча марта жарроҳлик амалиётларини бошидан ўтказди. Шифокорлар унга кўшиқ айтишни тақиқлаб қўяди. Лекин шу аҳволда ҳам ижоддан, куйлашдан тўхтамайдди.

Ботир Зокиров умр бўйи янгиликка интилиб яшади. Шарқ фольклори ва замонавий эстрада санъатини уйғунлаштириб, “Музик холл” ижодий жамоасини ташкил этган, хонанда ва композитор сифатида кўплаб истеъдодли ёшларга устозлик қилган. Республикада хизмат кўрсатган “Ялла” ансамблининг ташкил топишида Ботир Зокировнинг хизмати беқиёс.

Тадбирда Ботир Зокиров ижодий феномени миллий санъат тарихида бутун бир даврни ташкил этиши таъкидланди. Унинг бой меросини чуқур ўрганиш ва халққа етказиш ишларини давом эттириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасига алоҳида қарор тайёрлаш топширилди. Унда Тошкент шаҳрида санъаткорнинг мемориал музейини барпо этиш, эстрада санъати бўйича Ботир Зокиров номидаги халқаро кўрик-танлов ва талабалар учун давлат стипендияси жорий этиш, бадий фильм яратиш, Миллий эстрада симфоник оркестри фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш каби вазифалар кўзда тутилади.

Маросимда Ботир Зокировнинг издошлари, санъат ва маданият намояндalари сўзга чиқди.

(Давоми 2-саҳифада) ➔

КЕЧА ВА БУГУН



## ЖАДИДЛАРНИНГ МИЛЛИЙ ҚЎШИН ҲАҚИДАГИ ОРЗУСИ

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда миллий армияни ислох қилиш, ҳарбий кадрларни тайёрлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда армия ва халқ бирлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар мамлакатимиз Қуролли Кучлари тизимини фаол фуқаролик позициясига эга бўлган мустақкам иродали ёшлар билан тўлдириш имконини бермоқда.

Айни пайтда мазкур йўналишдаги ишлар самарадорлиги га боғлиқ бўлган кўплаб долзарб масалалар мавжуд. Бинобарин, Президентимизнинг 2018 йил 4 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг маънавий-маърифий савиясини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қароридан белгиланган вазифалар ҳамда 2024 йил 14 январдаги Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган йиғилишда давлатимиз Раҳбари томонидан бе-

рилган концептуал топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, шу кунларда Бош прокуратура, Давлат хавфсизлик хизмати, Қуролли Кучлар академияси, Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейи томонидан имзоланган кўшма қарорга асосан, ўтган аср бошларида кечган миллий озодлик курашлари давомида юрт муҳофаазини таъминлаш борасида қилинган ишлар ҳамда жаҳид боболаримизнинг ҳарбий соҳага оид қарашларини ўрга-

ниш бўйича ишчи гуруҳ ташкил қилинган.

Ушбу йўналишдаги ишлар орқали Ватанимиз истиқлоли ва халқимиз озодлиги йўлида мардон кураш олиб борган ва мустабид тузум даврида қатагон қилинган ҳарбий жаҳидлар фаолиятини чуқур ўрганиш ва уларнинг хотирасини абадийлаштириш назарда тутилган. Бундай фидойи, ватанпарвар боболаримизнинг шарафли ҳаёти ва фаолиятини кенг тарғиб қилиш орқали бугунги ёшлар қалбида улар билан фахрланиш, миллий гуруҳ ва ватанпарварлик туйғуларини янада кучайтириш мумкин. Қолаверса, Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейи фондини янги, ноёб маълумотлар билан бойитишга эришилади.

(Давоми 3-саҳифада) ➔

ҚУТЛОВ



## “ОЛТИН ҚАЛАМ” МУБОРАК!

Куни кеча “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида “Олтин қалам” XVIII Миллий мукофотнинг тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Танлов телевидение, радио, босма ва интернет нашрлари, чет эллик журналистнинг Ўзбекистон ҳақидаги энг яхши материаллари ва бошқа бир қанча рабатлантирувчи номинациялар бўйича ўтказилди. Маросимда босма нашрлар йўналиши бўйича 1-уринга “Jadid” газетасининг “Адабиёт ва санъат” бўлими мудир Шойим Бўтаев муносиб деб топилди.

Таниқли ёзувчи Шойим Бўтаев Хўжанд Давлат педагогика институтининг тарих-филология фа-

культетини тугатган. Унинг меҳнат фаолияти “Гулистон” журналидан бошланган бўлиб, кейинчалик газета, журнал, нашриёт, радио ва телевидениеда турли лавозимларда фаолият юритиб, ўзбек миллий маданияти, адабиёти ва санъати ривожига муносиб ҳисса қўшди. Адибнинг “Сирли юлдузлар”, “Шамол ўйини”, “Кунботардаги боғ” сингари қиссалари ҳамда “Кўрғонланган ой”, “Шоҳ”, “Уташан. Еттинчи тонг” каби романлари адабий жамоатчилик томонидан илик кутиб олинган.

Ҳамкасбимизни ушбу мукофот билан чин дилдан қўтлаб, унга сиҳат-саломатлик, тинчлик-хотир-жамлик, келгуси ижодий ишларига юксак парвозлар тилаймиз. **ТАҲРИРИЯТ**

ХОТИРА ВА ҚАДР

## МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ НАМУНАСИ

Атоқли адиб Чингиз Айтматов ўз даврида истеъмолга киритган “манқурт” образи ўтмишини унутишга маҳқум қилинган совет мустамлака халқларининг айрим тоифасига ишора бўлиб, замоннинг энг мудҳиш фожиаси сифатида талқин этилган эди. Ўзининг Жўламон, отаси Дўнанбой, аймоғи найманлигини унутган қаҳрамонда қандоқ қилиб элу юрт меҳри, Ватанга садоқат ҳисси бўлиши мумкин? У бор-йўғи хўжайини каби бошига кокил қўйишни, тўйиб овқат ейишни орзулайди, холос. Унга асли кимлигини танитиш қайғусида зору зор қақшаётган онаизор ҳам батамом бегона.

Ватани онага қиёслаймиз. Шунинг учун она Ватан деймиз. Ўз ҳаққоний тарихини теран англаган, боболарини таниган, улар билан фахрланган авлодгина Ватанига чинакам қалқон бўла олади. Бунинг учун халқчил миллатсеварлик ғояси, таъсирчан ватанпарварлик тарбияси зарур. Қуруқ панд-насиҳатдан кўра, амалий ибрат ёшлар дунёқарашини тезроқ ўзгартиришга қодирлигини бугун ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Ватан учун ўз жонини қурбон қилган ота-боболар, уруш йилларида садоқат ва матонат тимсолига айланган оналар хотирасига кўрсатилаётган юксак эҳтиром амалий тарбиянинг энг таъсирчан воситасидир. Янги Ўзбекистон муҳитида мана шу жиҳатларга жиддий эътибор қаратиляпти. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллигини

муносиб нишонлаш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, мамлакатимиз пойтахти – Тошкентда янги тарихий маълумотлар ва ҳар жиҳатдан пухта ишланган лойиҳалар асосида “Шон-шараф” давлат музейи, “Мангу жасорат” ва “Матонат мадҳияси” монументлари тарихий-бадий экспонатларини ўз ичига олган қарийб 15 гектар майдонда муҳташам “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси барпо этилди. 2020 йил 9 май – Хотира



ва қадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллиги муносабати билан Ғалаба боғининг тантанали очилиш маросимида давлатимиз Раҳбарининг “Бу бетакрор мажмуа қаҳрамон халқимизга муносиб бўлиб, ҳам меъморий жиҳатдан, ҳам тарихий-маънавий жиҳатдан гоят ноёб ва маҳабатли обида бўлиб қад ростлади”, деган сўзлари хотира маданиятининг энг ўзак масаласига эътиборнинг

илк дебачаси эди. Президент ўтмишда кечган ҳар қандай ҳодисанинг халқимиз ҳаёти билан боғлиқ жиҳатларига ҳурмат билан ёндашиш кераклигини уқитди. Халққа бундай эҳтиром халқ розилигининг таркибий қисми сифатида одамлар қалбида бугунги тинч-осойишта кунларга шукроналик туйғуларини жўш урдирди.

(Давоми 2-саҳифада) ➔



# БОТИР ЗОКИРОВ ҲАЙКАЛИ ОЧИЛДИ



**Аваз МАНСУРОВ,**  
Ботир Зокиров номидаги Миллий эстрада санъати институти ректори:

– Ўзбек маданияти ва санъати тарихидаги бугунги улкан, унутилмас воқеада иштирок этиш бахтига муяссар бўлганимдан мен ҳам ниҳоятда бахтиёрман.

Мухтарам Президентимиз бугунги маросимда сўзлаган нутқда беназир истеъдод эгаси бўлган Ботир Зокировнинг миллий эстрада санъатимизга асос солиб, бу борада мўъжизалар яратгани, унинг чинакам фидойилиги ҳақида ҳаммамизнинг юрагимиздаги фикрларни айтиб ўтдилар. У киши ёшларимизга, уларнинг истеъдоди ва келажагига юксак ишонч билдирдилар.

Дарҳақиқат, бугун эл-юртимиз орасидан Ботир Зокировдек улуг ижодкорларимизнинг муносиб издошлари етишиб чиқмоқда. Талантли ўғил-қизларимиз ҳар бир соҳада, жажоннинг энг катта саҳналарида ўзларининг қобилият ва маҳоратини ёрқин намойён этмоқдалар.

Булларнинг барчасини биз мамлакатимизда бевосита Президентимиз раҳбарлиги остида амалга ошириляётган ислохотларнинг, ёшларимизга яратиб берилган беқиёс шароит ва имкониятларнинг самараси, деб биламиз.

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган Ботир Зокиров номидаги Миллий эстрада санъати институти – айнан эстрада ижрочилигига ихтисослаштирилган дунёдаги ягона институт, десак, айна ҳақиқат бўлади.

Бугун институтимизда ўқиш, изланиш, ижодий салоҳиятни рўёбга чиқариш учун ҳар томонлама муносиб шароитлар яратилган. Талабалар ҳам, профессор-ўқитувчиларимиз ҳам ўз олдларига юксак мақсадлар қўйиб яшамоқдалар.

Институтимиз фаолияти бошланганига ҳали 2 йил ҳам тўлмади. Аммо ҳозирги вақтда хорижий мамлакатлардан бизга кўплаб талабалар келмоқда. Айна пайтда, талаба ёшлари бизда таълим олишни истаётган, институтимиздан андоза олишга интиляётган мамлакатлар сони ошиб бораётгани барчамизга катта гурур бағишлайди.

Шухрат АЗИЗОВ

Бошланиши 1-саҳифада.



**Фаррух ЗОКИРОВ,**  
Ўзбекистон халқ артисти:

Бугун юртимизда инсон қадрини улуғлаш – мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев олиб бораётган одилона сиёсатнинг устувор йўналиши эканига ҳар биримиз гувоҳ бўлмоқдамиз. Буни ўзбек санъатида ўчмас из қолдирган акам Ботир Зокировнинг хотирасига кўрсатиляётган юксак эътибор мисолида ҳам кўриб турибмиз.

Президентимизнинг тарихий қарори асосида Ботир Зокировнинг 85 йиллик юбилеи мамлакатимизда кенг нишонланди. Пойтахтимиздаги мана шу файзли кўчага Ботир Зокиров номи берилди. У кишининг номи билан аталувчи эстрада санъати институти ташкил қилинди, миллий мукофот таъсис этилди. Республика кўрик-танловлари ўтказилмоқда. Раҳматли Ботир акам ҳақида турли йўналишларда янги-янги асарлар яратилмоқда.

Мана, бугун очилаётган мухташам ҳайкал гўзал Тошкентимизнинг чиройига янги бир чирой қўшмоқда, десак, буям ҳақиқат бўлади.

Албатта, буларнинг барчасини биз мухтарам Президентимизнинг миллий санъатимиз ва маданиятимизга, ёшларимизга, бутун халқимизга кўрсатаётган улкан ҳурмати ва ғамхўрлиги ифодаси деб биламиз.

Бугунги маросимда у киши Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокировнинг ўлмас меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилишга қаратилган яна бир янги қарор тайёрланишини маълум қилдилар. Биз ҳаммамиз, Ботир Зокиров музейини барпо этиш, у кишининг номида халқаро танлов ташкил қилиш, стипендия жорий этиш, бадиий фильм яратиш, Ботир Зокиров номидаги жамғарма ва оркестр фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича билдирган ташаббусларни чексиз қувонч ва ҳаяжон билан қабул қилдик.


Булларнинг барчаси учун Зокировлар сулоласи номидан, акам Ботир Зокировнинг ақинлари, шогирд ва мухлислари, бутун санъатсевар халқимиз номидан Президентимизга чуқур миннатдорлик билдиришни ўзимнинг бурчим деб биламан.

– Шуни айтишни истардимки, қисқа вақт ичида мамлакатимизда санъат ва маданиятни ривожлантириш борасида муҳим ва улкан ишлар амалга оширилди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев буюк шахсларнинг хизматларини муносиб баҳолаш, уларнинг хотираларини абадийлаштириш ва қадрлаш масалаларига алоҳида аҳамият қаратмоқда. Буюк Ботир Зокировнинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида бунёд этилган мазкур ҳайкал ва мана шу файзли тадбир фикримизнинг ёрқин исботидир.

Ботир Зокировнинг замондоши сифатида унинг оламшумул муваффақиятларига гувоҳ бўлиш, биргаликда концертларда, турли тадбирларда, декадаларда қатнашиш бахти насиб этганидан ўзимни жуда бахтиёр ҳис этаман. Бу инсон юксак маданият соҳибни, фавқулодда шахс, буюк санъаткор эди. У яратган қўшиқлар, ҳеч шубҳасиз, ўзбек санъатининг олтин фондидан муносиб ўрин олди ва унинг узвий бир қисмига айланди.

Қирқ йилдан буён Ботир Зокиров ораимизда йўқ. Лекин унинг бетимсол овози ҳамон кунгилларимизга таскин беради. Унинг санъатига, шахсиятига бўлган эҳтиромимиз, меҳримиз қалбларимизда бугунгача яшаб келяпти. Шунинг ўзи чин истеъдоднинг умри боқийлигига ёрқин далилдор.

Яна қирқ йил ўтади, юз йил ўтади, аммо Ботир Зокировнинг қўп қиррали санъати қалбимизда яшайди ва бизни қувонтириб, руҳлантиради. Ҳозир у чизган суратлар, ёзган шеърлар ва ҳикоялар ёдимга тушмоқда. У бир пайтлар “Бахт қаердасан?” деб қўйлаган эди. Айна дамда хаёлимга шундай фикр келяпти: унинг бахти мана шу жойда, мана шу Ватанда! Унинг қўшиқлари қаерда янграётган бўлса, унинг бахти ана ўша ерда.



**Андрей СЛОНИМ,**  
театр режиссёри,  
Ўзбекистон санъат арбоби:



**Севарахон ТЎЛАНОВА,**  
Ботир Зокиров номидаги Миллий эстрада санъати институти талабаси:

– Мен Президентимиз қарори билан ташкил этилган буюк санъаткор Ботир Зокиров номидаги Миллий эстрада санъати институтининг талабасиман. Узим Андижон вилоятининг Хонобод шаҳриданман.

Мен мактабда ўқиб юрган пайтларимда Ботир Зокировнинг қўшиқларини тинглаб, уларни ўзимча айтиб юраддим. “Катта бўлсам, албатта қўшиқчи бўламан”, деб ният қилардим.

Бугун Президентимизнинг биз ёшларга бераётган улкан эътибори тўғрисида мақсадимга эришиб, Миллий эстрада санъати институтида таҳсил олаётганимдан бахтиёрман. Ўзбек санъати тарихида ўчмас из қолдирган Ботир Зокировдек буюк инсонларнинг муносиб издошлари бўламиз, деб биз ёшлар ҳаммиша изланишдамыз. Мен яқинда бўлиб ўтган Ботир Зокиров номидаги 4-Республика танловида 1-ўринни эгаллашга муваффақ бўлдим.

Бу ютуқни мен аввало институтимизда, юртимизда биз учун яратилган шароитларнинг, устозларимиз меҳнатларининг натижаси, деб биламан.


Бугун пойтахтимизда мухтарам Президентимиз иштирокида Ботир Зокировга бағишланган ёдгорликнинг очилиш маросими ўтказилгани ва унда мен ҳам иштирок этганим ҳаёлимдаги энг унутилмас дамлардан бири сифатида сақланиб қолади.

## МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ НАМУНАСИ

Бошланиши 1-саҳифада.

Мажмуа халқимизнинг сеvimли зиёратгоҳ масканига айланди. Ҳозир бу ерга юрдошларимиз, чет эллик сайёҳлар келишади. Шу кунгача улар сони 2 миллион 200 минг нафардан ошди. Олимларнинг уруш мавзусида тўхтаб қолаётган илмий изланишлари “Ғалаба боғи” тўғрисида жонлиқ қолди. Элликка яқин монография, китоб-альбом, халқаро ва республика миқёсида ўтказилган илмий анжуман материаллари, ҳужжат тўпламлари яратилди. Давр тарихига тегишли юзлаб тарихий факт ва далиллар илмий муомалага киритилди. Икки миллион нафарга яқин уруш қатнашчисининг рўйхати тузилиб, бедарак кетган юзлаб жангчилар тақдирига оид маълумотлар тўпланди. Ғалаба боғи юрдошларимиз, ёшлар учун ўзига хос ватанпарварлик, шукрона мактаби бўлиб қолди. Бу ерда “Уч авлод учрашувлари”, хотира тадбирлари, тарих дарслари ташкил этилмоқда. Иккинчи жаҳон урушида кўпмиллатли Ўзбекистон халқи кўрсатган жасорат ва матонат тафсилотлари билан яқиндан танишишни истаганлар сони тобора кўпайиб бораётгани давлатимиз раҳбарининг ташаббуси жуда узокки кўзлаб ҳаётга таъбиқ этилган гоа эканлигини яна бир бор исботлади.

2021 йили “Ўзбекистон” нашриётида нашр қилинган “Ўзбекистон иккинчи жаҳон уруши даврида” деб номланган мухташам китоб-альбомда бу уруш Янги Ўзбекистон тарихининг ажралмас қисми экани аниқ факт-рақамлар орқали акс этган. Китоб-альбом Президентимизнинг “Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган тарихий ғалабани таъминлашда кўпмиллатли Ўзбекистон халқининг қўшган ҳиссаси беқиёсдир. Халқимиз жанг майдонларида ва фронт ортида кўрсатган юксак жасорат ва матонатни тарих саҳифаларига муҳрлаш, хотирлаш ва қадрлаш мақсадида Ғалаба боғи деб аталган ушбу бетакор ва мухташам мажмуаи бунёд этдик. Бугунги тинч ва озод, фаровон ҳаётга эришиш йўлида фидойи ота-боболаримиз намойён этган мардлик ва жасоратни эл-юртимиз ҳеч қачон унутмайди. Ишонаманки, бу улғувор мажмуа униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизни ҳаммиша Ватанга муҳаббат, мустақиллик ғояларига садоқат руҳида камол топтиришда беқиёс маънавий тарбия мактаби бўлиб қолади”, деган халқимизнинг уруш йилларида кўрсатган жасорат ва матонатини англаувчи сўзлари билан бошланади.



2018 йилда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг бевосита ташаббуслари билан Ватанимиз мустақиллигини ёвуз кучлардан ҳимоя қилишда фидойилик кўрсатган мард ва довурак ўғлонларимизнинг жасоратлари ҳақида ҳикоя қилувчи “Мард ўғлонлар номи барҳаёт” номли хотира китоби чоп этилган эди. Мазкур китоб халқимизнинг ботир, жасур ва фидойи фарзандлари хотирасига ҳурмат ҳамда эҳтиром намунаси сифатида дунёга келганди.

Жанубий оператив кўмондонлигининг хотин-қизлар ва ҳарбий хизматчиларнинг оилалари билан ишлаш бўйича етакчи мутахассиси Ханифа Хаджаева шундай дейди: “Бу китоб ёш авлодга Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини мустаҳкамлаш, тинчлик ва осойишталигини асрашга барча бирдек масъул эканлигини янада теранроқ англашти, ёшларда ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришга хизмат қилди. Мен фаолият юритаётган Сурхондарё вилояти аҳолиси, айниқса, бу асарни гоёт қадрлайди. Ҳар гал ҳарбий қисм ва маҳалларда жамоатчилик кенгаши учрашувларини ўтказсак, албатта, номи широрга айланган “Мард ўғлонлар номи барҳаёт” китоби ёдга олинади”.

2023 йили Шавкат Мирзиёев Термиз

шаҳридаги “Ёш чегарачилар” ҳарбий-академик лицейида мустақиллик йилларида юртимиз дахлсизлигини таъминлаш йўлида жонини қурбон қилган қаҳрамон ватандошларимизнинг оила аъзолари билан самимий мулоқот қилиб, ҳар қандай инсон қалбини ларзага солувчи шундай сўзларни айтган эди: “Эл-юрт учун жонини фидо қилган ўғлонларимизни ҳалок бўлган, дейишга тил бормаиди. Улар оиласи учун, Ватанимиз учун ҳаммиша барҳаёт!”

Бундай фидойи ўғлонлар хотирасини абадийлаштириш, уларнинг оила аъзоларига ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш ва қўллаб-қувватлаш давлатимиз, жамиятимизнинг доимий эътиборида. Президентимиз 9 май – Хотира ва қадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган буюк ғалабанинг 79 йиллиги муносабати билан Ғалаба боғи ёдгорлик мажмуасига ташриф буюрганларида бундай фидойи инсонларнинг хотирасини эъзозлаш борасида амалга ошириляётган ибратли ишларга ҳам алоҳида эътибор қаратди.

Маълумотларга кўра, мустақиллик йилларида Ўзбекистон Қуролли Кучлари таркибиде хизмат қилган 600 нафар аскар ва зобитлар юртимиз тинчлигини таъминлашдек шарафли бурчини бажариш йўлида ҳа-

лок бўлишган. Мамлакатимиз Президенти – Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонни Шавкат Мирзиёевнинг ташаббусига асосан Ғалаба боғига туташ ҳудудда ана шу фидойи инсонлар шарафига “Мустақиллик фидойилари” деб номланган янги ёдгорлик мажмуаси барпо этилмоқда. Бу ерда уларнинг исм-шарифлари зарҳал ҳарфларда битилиб, ҳаёти ва фаолиятига оид маълумот ва лавҳалар замонавий технологиялар асосида доимий намойиш қилиб борилади. Келажақда бундай мажмуаларни вилоят марказларида ҳам бунёд этиш режалаштирилган.

Бундай мард ва жасур инсонларнинг оила аъзолари, фарзандлари, ота-онаси, яқинлари давлатимиз раҳбарининг ушбу ташаббусидан жуда мамнун. Президентимизнинг 2023 йил 13 март куни қабул қилинган тарихий Фармонида она Ватанимиз ҳимояси ва эл-юртимиз тинчлиги йўлида жонидан кечган ҳарбийларнинг хотирасини эъзозлаш, уларнинг оила аъзоларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ғамхўрлик кўрсатиш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар, имтиёз ва кафолатлар белгилаб берилди.

Жўмладан, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчининг оила аъзоларига марҳумнинг охириги эгаллаган лавозими бўйича маоши ва ҳарбий унвони маоши йиғиндисининг 150 баравари миқдориде бирийўла нафақа тўлаш йўлга қўйилди. Ҳалок бўлганда тўланадиган сўғурта суммаси эса базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 баравари миқдориде тайинланди. Шунингдек, бундай тоифадаги кишилар учун яна қатор имтиёзлар яратилгани кўпчиликини мамнун қилди.

Албатта, оиланинг устунидан айрилган инсонларнинг мусибатини тасаввур қилиш қийин эмас. Эндиликда бошига шундай кўргилик тушган оилаларга ғамхўрлик қилиш, тегишли идоралар томонидан уларни оталиққа олиш тартиби белгилангани ҳам халқимизга хос инсонийлик ва бағрикенгликнинг яққол намунаси бўлди, дейиш мумкин.

Бундай хайрли чора-тадбирлар замирида инсон қадрини улуғлаш тамойили, халқни рози қилиш сиёсати мужассамдир. Чунки бу дунёда инсондан кўра азизроқ яратилган, унинг хотирасидан муқаддас тушунчанинг ўзи йўқ.

Иқбол МИРЗО,  
Шойим БЎТАЕВ

## КЕЧКИ ЙЎҚЛАМА

*(2000 йил мамлакатимизнинг жанубий сарҳадларига суқилиб киришга ҳаракат қилган бузғунчиларга қарши кечган жанларда миллатнинг мард йиғитлари мустақиллик ҳимояси йўлида қаҳрамонларча ҳалок бўлган. Бахмал туманидаги ҳарбий қисмининг “Кечки йўқлама” дафтарида ана шу ўғлонлар номи ҳануз қайд этилади).*

Бу юртнинг ҳар қарич ери муқаддас, Тилло тош босолмас тупроқларига. Тоғларнинг қаъридан келади бир сас Жўр бўлиб юракнинг титроқларига.

Шон десанг, Ватаннинг шонини кўтар, Жон десанг, Ватанга уни тортиқ эт. Ҳар кимга муносиб бир қисмат битар, Уни шараф билан шундай яшаб кет.

Шерга шикор берар – шерлиги учун, Элга ҳикмат берар – бирлиги учун. Йигитга Ватанни асрамоқ тақдир, Кўрғонлиги учун, эрлиги учун!

Қулоқда кўрғошин мисол ўғитлар, Дилда қасам, тақдир – азиз бошида. “Тиззаси йўқ” мардлар, туркий йигитлар Тик туриб узилди Ватан қошида.

Бағринг алвон бўлди, кўксинг-чи оппоқ, Номинг дилдан ўчмас бир шаън бўлибди. Шараф қонинг билан покланган тупроқ Бугун шундай улуг Ватан бўлибди.

Бу Ватан битмағай то туз бор экан, Ишқи билан дилни чўглаб ўтамыз. То Ватан бор экан, то сўз бор экан, Сизни бутун умр йўқлаб ўтамыз:

*“Катта лейтенант Маҳмуджон Жалилов!”*  
– Ватан ҳимояси йўлида қаҳрамонларча ҳалок бўлган!

*“Лейтенант Бобуржон Фаниев!”*  
– Ватан ҳимояси йўлида қаҳрамонларча ҳалок бўлган!

*“Лейтенант Сайёр Садинов!”*  
– Ватан ҳимояси йўлида қаҳрамонларча ҳалок бўлган!

*“Катта сержант Эломон Отажонов!”*  
– Ватан ҳимояси йўлида қаҳрамонларча ҳалок бўлган!

*“Сержант Қаҳрамонжон Мадалимов!”*  
– Ватан ҳимояси йўлида қаҳрамонларча ҳалок бўлган!..

Исломжон ҚЎҚОРОВ



# ЖАДИДЛАРНИНГ МИЛЛИЙ ҚЎШИН ҲАҚИДАГИ ОРЗУСИ

Бошланиши 1-саҳифада.

Ишчи гуруҳ қисқа фурсатда ҳарбий соҳамиз тарихини ўрганишда муҳим ҳужжатларни излаб топдики, бу манбалар келгусида ушбу йўналишда кўплаб тадқиқотлар олиб боришга замин яратди. Уларнинг айримлари хусусида қуйида мулоҳаза юритамиз.

Шубҳасиз, аввалбосдан жадид тараққийпарварлари юртимизда миллий армия барпо этиш орзуси билан яшаган эди. 1917 йилги сиёсий бўҳронларда Махмудхўжа Бехбудий, Мунаввар қори Абдурашидхон, Абдулла Авлоний шу мақсадда жуда катта саъй-ҳаракатларни амалга оширганлар. Хусусан, Туркистон мухторияти эълон қилинган, ўлкамизда миллий армия сафига ёзилиш ташвиқоти бошланди. 1918 йил 17 январь кuni Тошкентда "Ишчилар дунёси" журнаlining 2-сонида Фулом Зафарий имзоси билан чоп этилган "Қувватимиз аскардир" мақоласида шундай сўзлар битилган: "Химматпарвар туркистончилар! Биз туркистонлик турк болалари Мухторият эълон этдик. Энди Мухториятимиз барқарор ўлсун десак бизга қувват лозим. Ул қувват аскарликдир. Қувватимиз бўлган аскарликка жон дил ила буюк, қалбимизни унга туҳфа этайлик. Асло унутмайлик. Оч. сувсиз турсак ҳам бошқа бир нарсага қарамасдан фақат қаҳрамон аскаримизни тушунайлик! Эеро, бу исломият, бу турклик, бу миллат бунинг ила яшайдир. Бунинг ила буюк бўладир. Бунинг ила ҳаёт бўладир, бунинг ила музафариятга ноил ўлуб жажонни титратадир. Бунинг ила аждод атомиз бўлган фотиҳларнинг, қаҳрамонларнинг руҳларини шод этайлик, мозийимизни хотира келтириб истикболимизни таъйин этайлик", деган даъват билан бошлайди. "...Уйимизда кийим-кечак, уй асбобларимизни орттирмаққа ҳаракат этмай қувватимизни орттирмаққа ҳаракат этайлик. Ипақ, қимош ва бошқа нарсаларда иқтисод этайлик, сандиқларни, халталарни, юкларни тўлдирмаққа ғайрат этмай, қувватимизни тўлдирмаққа ғайрат этайлик. Қимматлик нарсаларга, яъни олмосга, жавоҳирга, зумрадга, маржонга, ёқутга ва кумуш асбобларга олтуларимизни беруб сандиқларга ҳибс этсак буларнинг на давлатга, на миллатга, на Ватанга, на аскарга фойдаси бўлмас. Сандиқларда шундоқча қолар. Балкида эгасига-да фойда бўлмас".

Шу тарихи мақола муаллифи ёшларни аскарликка, бойларни эса унга ҳомийлик қилишга даъват қилади. "Ишчилар дунёси"нинг 1918 йил 1 февраль 3-сонида "Миллий аскар" руқни остида "Ҳозирда Хўжадан шаҳрида расмий суратда кўлига яроғ тутган миллий аскар ва милициямиз бир минг чамаси бўлган эди. 9 январь кuni мулло Абдураззоқбойнинг боғида шуларнинг "кўрув"и (манёвр) ясалди. Бу "кўрув"га Мухториятлик Туркистоннинг муваққат ҳукумати аъзоларидан Исло афанди Шоаҳмедов билан Убайдулла афанди Хўжаев ташриф буюрган эдилар. Бу йигитларимиз тамом йигилиб етганидан сўнг Убайдулла Хўжаев уларга хитобан: "Сизлар Мухториятлик Туркистоннинг биринчи қаҳрамон ўғуллари бўлдингиз. Бу хизматларингдан фахр қилсаларингиз арзийдур. Чунки суюқлу Ватанингиз ҳимоясига биринчи марта ўлароқ сизлар ўз ихтиёрингиз билан аскар бўлдингиз! Туркистон мамлакатининг келажақда бахт ва саодатга эришмоқчи сизлардан бошланса керак. Сизларни Мухториятлик Туркистоннинг муваққат ҳукумати аъзолари тарафидан табрик қиламан ва алар тарафидан сизларга салом эришдиранман ва ҳам сизларнинг тарафингиздан ҳукумат аъзоларига ҳозир бориб салом айтман", деди. Бу сўзларни эшитганидан сўнг миллий аскаримиз ниҳоятда мамнун бўлдилар. Бундан сўнг Убайдулла афанди миллий аскарларга бир оғиздан "Омин" деб дуо қилувни сўради. Жумла йигитлар ўзларининг Ватан, миллат йўлида

ҳар бири фидокорликка ҳозир эканлигини сўйлаб баланд овоз ила гулдурашиб "Омин" садоларини кўкка чиқардилар. Бундан сўнг ҳукумат рижоллари қайтиб кетдилар. Аскар бошлиқлари йигитларни тартибга солмоқ ила машғул бўлдилар. Бу қадар турк болаларининг жон ва диллари билан Ватан ва миллат йўлида ҳар бир фидокорликка кўксинларини кериб, ҳозир турувларини кўрганда тарихдаги Темур ва бошқа буюк боболаримизнинг қаҳрамон аскарлари хотирга келиб, кишининг кўзидан беҳитиёр севинч ёшлари оқар эди", деб хабар беради. Афсуски, Туркистон мухторияти қонга ботирилди. Унинг мудофааси учун жонини тиккан не-не йигитлар қони дарё бўлиб қолди.



Советлар Туркистон мухториятини яқсон этгани билан халқнинг эрк ва ҳуррият орзусини йўқ қила олмади. Ўзларининг Тошкентда эълон қилган Туркистон мухтор шўро жумҳуриятларини қанчалик ташвиқ қилишмасин, халқ ишонсизлик билан совуқ қарши олди. Фарғонада бошланган миллий истиқлолчилик ҳаракати бутун Туркистон минтақасига тезлик билан ёйила бошлади. Ана шундай тарихий шароитда Туркистондаги большевик маъмурлари жадид тараққийпарварларининг талаби асосида миллий қўшин тузишга розилик беришга мажбур бўлдилар.

Бу борада таниқли адиб Абдулла Қодирий "Иштирокион" газетасининг 1919 йил 4 ноябрь сонида "Жу-бой" имзоси билан ёзган "Бизда аскарлик масаласи" мақоласи жуда муҳим аҳамиятга эга. Муаллиф сўзи "Бошқалар тарафидан ҳуқуқининг топталмови, четларга маҳкум, мазлум бўлмаслик, чет мамлакатларга товушингни эшитдириб, эшитмоққа мажбур этувга шубҳа йўқми, кўлингизда қуролингиз, аскарлик қўлингизга қараб бўлур", деб бошлайди. "Кўрамизмик, Оврупо, Амриқо миллатлари бунчалик шан-шавакитни фақат ҳарбий куч ила қозонишлардур... Шарқли мусулмонлар эса шу қуролсизлик, аскар йўқлик ила шу золим хунхўрлар занжирига банд бўлишимиз... Мамлакат идораси аскарсиз мумкин эмас. Идора ўз қўлимизга ўтгач, табиий, ватанимизнинг душмандан муҳофазатида ўз устимизга тушажа. Бунинг учун ўз аскаримиз бўлурга керак. Табиийдурки, мамлакат идораси бизнинг қўлда бўлиб, аскарликни бошқалар қилмаяжак. Бу мумкин эмас ҳам. Шунинг учун агарда биз мустақил, қўлиқдан қутулиб яшовини хоҳлар эканмиз, яқин истиқболимиздаги бахтли кунлар учун аскар бўлувимиз, ватан муҳофазасига ҳозирланувимиз лозимдур", деб қатъий фикр билдиради. Туркистон Мусулмон бюросининг миллий қўшин тузиш ҳақидаги мурожаатига уларнинг жавобини айнан келтиради: "Марказ мусулмон бюросининг мурожаатини тамом шодлиқ ила қарши оламиз... Эски шаҳарга таълим жойлари очиб, ҳарбий муаллимлари мусулмонлардан қўйсун. Мусулмонларнинг ўзидан аскарлик муаллимлари етуштирмақ учун курслар очиб, шу кундан эътиборан Эски шаҳар синфий иттифоқлар шўросига бир нафар ўз ҳарбий вақилини доимий этиб тушурсун". Мана бу қарор ғоят кўнгилли бир иш, лекин бошқа қарорларимиз каби бу-да қозғоғдагани қилиб кетмоғи матлубдир", деб фикрини яқинлайди.

Ҳа, кўп ўтмай Тошкент шаҳрида ҳарбий мактабда ўзбек ёшлари учун гуруҳ ташкил этилади. "Қизил байроқ" газетасининг 1922 йил 25 март сонида курсант Қ.Олимийнинг "Мусулмон пиёда қизил командирлар курси" мақоласида "Бу вақтгача мусулмон қизил аскарларини идора қилиш учун мусулмон қизил командирлари йўқ эди... 1920 йилда Туркистон жумҳуриятида ёлғиз мусулмон ёшлари учун мусулмон қизил командирлар курси очилди... Ҳозирги кунда курсда ўзбек, қозоқ, қирғиз, татар, бошқирд ёшларидан иборат икки юздан ортиқ курсантлар бор. Бу курсантлар ўқитувчиларнинг тиришқоқлари орасида ўзларининг ўқушларин яхшигина давом эттириб келадилар... Улар курсдан чиқшлари билан мусулмон қизил аскарлари орасига бориб уларга йўлбошчилик қиларлар... Сиз ҳам мусулмон командирлари курсига кириб ўзингизнинг улғу ва миллий вазифангизни ўташингиз керак!" деб ёшларга даъват қилади. Албатта, Туркистон ҳукуматининг раҳбарлари ҳам жон-жаҳди билан келажақда миллий қўшин яратиш иштиғида ишга киришадилар. Бу мулоҳазани Туркистоннинг ҳукумат раҳбари Турор Рисқуловнинг "Туркистон" газетаси (1923 йил 23 февраль сони)даги "Шарқда қизил қўшин" мақоласида ҳам, Султон Сегизбоевнинг "Фарғона" газетаси (1923 йил 15 октябрь)даги "Миллий қизил аскар" мақоласида ҳам кўриш мумкин.

Фарғона вилоятининг биринчи раҳбари бўлган Султон Сегизбоев "...Тошкентда тўрт-беш ўз кишилиқ сиёсий ва ҳарбий бир курс очишга ҳаракат қилиб ётмоқда экан. Бундан ташқари Фарғонада ҳам дивизия ва бригада ҳузурларидаги мактабларда миллий шўбалар очиб берилмоқда. Фарғонада бундай мактабларнинг ҳузурларида миллий шўбаларнинг очилиши табиийдур..." деб миллий қўшин аҳамиятини баён қилади баён ва фикрини "Йўл берингизлар, келгусида ташкил қилинадурган Туркистон миллий қизил аскарларининг қаҳрамон кўмондонларига!" дея тугатади.

Фарғона вилоятининг биринчи раҳбари бўлган Султон Сегизбоев "...Тошкентда тўрт-беш ўз кишилиқ сиёсий ва ҳарбий бир курс очишга ҳаракат қилиб ётмоқда экан. Бундан ташқари Фарғонада ҳам дивизия ва бригада ҳузурларидаги мактабларда миллий шўбалар очиб берилмоқда. Фарғонада бундай мактабларнинг ҳузурларида миллий шўбаларнинг очилиши табиийдур..." деб миллий қўшин аҳамиятини баён қилади баён ва фикрини "Йўл берингизлар, келгусида ташкил қилинадурган Туркистон миллий қизил аскарларининг қаҳрамон кўмондонларига!" дея тугатади.

Фарғона вилоятининг биринчи раҳбари бўлган Султон Сегизбоев "...Тошкентда тўрт-беш ўз кишилиқ сиёсий ва ҳарбий бир курс очишга ҳаракат қилиб ётмоқда экан. Бундан ташқари Фарғонада ҳам дивизия ва бригада ҳузурларидаги мактабларда миллий шўбалар очиб берилмоқда. Фарғонада бундай мактабларнинг ҳузурларида миллий шўбаларнинг очилиши табиийдур..." деб миллий қўшин аҳамиятини баён қилади баён ва фикрини "Йўл берингизлар, келгусида ташкил қилинадурган Туркистон миллий қизил аскарларининг қаҳрамон кўмондонларига!" дея тугатади.



"Туркистон" газетасининг 1924 йил 14 январь сонида Туркистон шўролари 12-қурултойининг "Миллий қизил қўшин ташкил қилиш тўғрисида" қарори эълон қилинди. Унда миллий қизил қўшин ташкил қилиш учун биринчи навбатда кўмондонлар, сиёсий йўлбошчилар ҳозирлаш ва бунинг учун "мактаблар, кўмондонлик курслари очилсин; "Туркистон жумҳуриятининг ҳар бир фуқароси кўлига қурол олиб ўз жумҳуриятини мудофаа қилиши керак", деган фикр тарқотсин; ёшлар ўрасида саводсизлик битирилсин; миллий қизил аскарларни ўрганиш учун энг осон програм ҳозирлаш ва миллий урф-одатларга қараб қўшуннинг руҳига хилоф бўлмаслик шарти билан низоомномаларга ўзгартиришлар киритилсин; Туркистон жумҳуриятининг турмушига яқин бўлган барча миллатлардан, аввало кўнгилли милиция ва қишлоқ ёшларидан ҳам 15 фоизгача ўз ихтиёрлари билан олиш; қизил миллий қўшинни ташкил қилиш учун миллий урф-одатларни (овқат, каравот, кўрпача) ва казарманнинг ички турмуши ва бошқалар) эътиборга олиш; кийим оддий ва соғлиққа мувофиқ бўлиши билан баробар, миллий кийимга яқин бўлмоғи лозим. Шунинг учун миллий қизил аскарларга бошқа қизил аскарлардан ажралатурун кийим формаси белгилаш; Ерлик тилда қизил аскар газетаси ва дарслиқлар нашр қилиш учун моддий ёрдам бериш керак" каби ўта муҳим вазифалар қайд этилган эди.

"Фарғона" газетасининг 1924 йил 23 февраль сонида эса Фарғона шаҳридаги ҳарбий отлик кўмондонлик курсида мусулмон шўбасининг ҳарбий комиссари Шамсиддин Бадриддинов "Миллий аскарларга мурувват ҳам

салом" мақоласини "...бугун қизил аскарлар сафида озод Туркистоннинг миллий, қуроллангон кучига замин тайёрламоқдалар. Бу кун Фарғона деҳқонлари ўзларининг қизил курсантларини кўриб, ўзига махсус тантана билан шодлиқ қиладилар", деб бошлайди. Муаллиф 1923 йил апрелда ҳукуматнинг миллий аскарлар ташкил этиш ҳақидаги қарорига айрим кимсаларнинг "кўрқинч эмасми, кейинда қолгон Туркистон халқи бу вазифани ўтай оладурми?" деб сўзлаганларини эслаб, "Ҳозирда Фарғонанинг ўзидagina Туркистоннинг ёш ўспиринлари ўзлари учун ғайрат билан ишлаб чин кўнгил билан ҳарбий ишлар дарсларини ўқуб қизил кўмондон бўлмоққа тайёрланмоқдадилар. Шундоқ, ямғурдек саволлар, шундоқ суботлик, қизиқ, тирик саволларки, уни сиз қатъян бирор бошқа жойда учрата олмайсиз. Кўрмак учун келган кишилардан нимани кўп сўрайдилар? – Китоб, қоғоз, яна китоб, дастур китоби, қалам, газета, яна ва яна китоб... сўрайдилар. Сиз қимматли ўртоғлар курсантларга самимий салом! Эсларингда бўлсинки, келаси байрам сизларнинг кўмондон бўлган вақтларингизда келадир", деб уларга юксак умид билдиради. Комиссар мазкур мақоланинг сўнгида "Бизнинг камчилиқларимиз: дивизия мактаби миллий шўбасининг курсантлари ўзбек тилида адабиёт йўқлигидан шикоят қилдилар – бори бир неча нуска китоблар бор... Ўзбек адабиётига эҳтиёж катта. Бутун ташкилотларни қараб чиқдилар, аммо ҳеч нарса топмади. Низоом тўғрисида сўзламасдан, ҳарбия ишлари хусусида китобларнинг камлиги кўп бўлимоқдадир. Оврупо ҳам Оврупо Русиясининг ўзбекча жуғрофия харитаси йўқ. Мусулмон тилида плакатлар йўқ. Ёзилгон сўзларни ўзбекчага таржима қилиб суратлар таъбага ёпиштириб қўйишга тўғри келадир", деб мавжуд муаммоларга ҳукумат идораларининг эътиборини қаратишларини сўрайди.

Шундай мураккаб бир тарихий шароитда кейинчалик шонли 19-Ўзбек тоғ-отлик дивизияси ва унинг Миркомил Миршаропов, Ризо Ёқубов, Юнус Наримонов, Мирзоқул Рисқулов, Мухаммад Абдурахимов, Турғунпўлат Қўриғов, Собир Раҳимов каби кўлаб олий ҳарбий таълим олган миллий қўшин кўмондонлари етишиб чиқди. Ўз даврининг афсонаси бўлган, кўлаб ҳарбий қўшиқларда мадҳ этилган, қўрсатган жасоратлари тарихий романларнинг яратилишига сабаб бўлган, моҳир кўмондонлиги рангасвир усталари ва ҳайкалтарошларни янги асарлар яратишга ундаган 19-Ўзбек тоғ-отлик дивизиясининг қаҳрамонлиқлари тадқиқи сарҳадсиз тарихнинг очилмаган қўриғи эди. Илмий излашларнинг натижаси жадидликнинг илғор намоёндалари ҳам миллий армиямиз сафида унинг ғоявий асосларини яратишда белни маҳкам боғлаб курашганликларини аққол кўрсатиб берди. Жумладан, жадид тараққийпарвар шоири Ҳожи Муин Шукрулла ўғли ҳам "Қизил юлдуз" ҳарбий газетасида иш олиб боради. Газетанинг кенг омма орасида машҳур бўлиб кетишида тажрибали публицист Ҳожи Муиннинг катта хизмати бор эди.

Дарҳақиқат, Ватан ва миллат қаҳрамонларининг хотираси, шонли тарихи ва аччиқ қисмати бугунги янги Ўзбекистон армиясининг ҳар бир аскари учун азиздир. Албатта, бугун ишчи гуруҳ олимлари ҳарбий мутахассислар билан бир сафда жадид тараққийпарварлари орзуси бўлган миллий армия ва унинг тарихи ҳақида кенг қўламли тадқиқот ишларини олиб бормоқда. Ўзлаб матбуот саҳифалари, махсус архивлардан кенг қўламли ҳужжатлар ўрганилмоқда. Ишонимизки, яқин кунларда бу тадқиқотларнинг самараси ўлароқ каттагина тарихий фундаментал асар дунёга келади. Ҳаққоний тарихни яратиш сари яна бир улкан қадам босилади.

**Салом САМАДОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Бош прокурори ўринбосари,**  
**3-даражали Давлат адлия**  
**маслаҳатчиси**  
**Баҳром ИРЗАЕВ,**  
**Қаттагон қўрбонлари хотираси**  
**давлат музейи бош илмий**  
**ҳодими**

БУ КИТОБНИ ЎҚИДИНГИЗМИ?

Чўлпонни шоир сифатида яхши таниймиз, аммо унинг ҳаёт йўли, шахсияти борасида нималарни биламиз? "Гўзал" шеърининг қайси "гўзал"га аталганини-чи? Ёки Туркистоннинг қандай қилиб босқинчилар оёғи остида топталган, кимлар Тошкентни икки миллион рублга сотгани ҳақидаги манбалар билан танишмисиз? Агар сизни бу борада асл ҳақиқатлар қизиқтирса, таниқли ёзувчи Наби Жалолиддиннинг "Чўлпон" роман-диалогиясини ўқиб чиқшни тавсия қилган бўлардим.

## ЧЎЛПОННИ АНГЛАШ

ёхуд "қизил" тегирмон


Тўғриси, шу чоққача Чўлпоннинг ҳаёти ва ижодига оид кўплаб илмий мақолалар, тадқиқотлар билан танишган бўлсам-да, ушбу роман у ҳақидаги фикрларимни бутунлай янги бир ўзанга буриб юборди. Романда XIX асрнинг охири, XX аср бошларидаги қалтис ва мураккаб тарихий вазият маҳорат билан тасвирланган. Россия империясининг Туркистонни қай тарзда босиб олиши, мустамлакачилик ҳаракатлари, чор истибдодига қарши зимдан ва ошқора олиб қилинган курашлар, жадидликнинг шаклланиши ҳамда тугатилиши, Туркистон мухториятининг ташкил топиши ва йўқ қилиниши, дашноқлар қирғини, миллат ойдинларининг аёвсиз қатағон этилиши... Асарда нисбатан қисқа даврда юз берган тифиз ва шиддатли, шу билан бирга, юрагингизга тигдек қадалувчи аянчли воқеалар ҳақида батафсил ҳикоя қилинади. Жадидлик ҳаракатининг энг йирик ва фаол вакили бўлган Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон бу воқеалар марказида туради. Асар Чўлпоннинг бир неча суж наридиға аждодлари, боболарининг нима ишлар билан шуғуллангани, отасининг савдо-сотикқа қандай кириб қолганидан бошланади. Муаллиф сизни ўтмишнинг энг сирли пучмоқларига етаклаб, исёнкор шоирнинг туғилиши, оилада тарбия топиши жараёнларини қизиқарли йўсинда бадиий ифодалайди.

Асар сюжетига кўлам тўхталмоқчи эмасмиз. Аммо муаллиф ушбу мураккаб давр ҳаётини чуқур ўргангани, манбалар, архив материалларини эринмасдан таҳлил қилиб чиққани, турли илмий қарашларни қиёслаб, олтин ўрталлиқни топа олганини эътироф этиш лозим. Зотан, жадидлик даври нафақат юртимизда, балки бутун дунёда катта қизиқиш билан тадқиқ этилаётган ва турлича талқин қилинаётган, ҳали бу борада изланишлар давом этаётган мураккаб давр саналади. Шу жумладан, Чўлпоннинг ҳаёт йўли ҳам зиддиятларга бой, талотўплар ичига кечганки, уларни бир тизимга солиб, шоир қалбини очиб бериш, унинг ҳаракатлари ва туйғуларини уйғунлашган нуқталарни топиш осон бўлмагани аниқ.

Роман-диалогиянинг иккинчи номи "Тегирмон" деб аталган. "Дунё, ҳаёт ҳам гўё тегирмон. Одамлар эса – бўғдой доналари", деб ёзди муаллиф. Аммо Чўлпоннинг кўз олдида намоён бўладиган тегирмоннинг тоши-да, суви-да, унда айланаётган бўғдойи ва уни ҳам қил-қизил... Бу ўша мудҳиш даврнинг қонли воқеаларига ишора қилаётгандек гўё...

Романда бир қатор рамзлар воситасида асарнинг таъри маънолари, ёзувчининг асл ғоялари ўз ифодасини топганки, буларни англаш учун ўқувчидан диққатни жамлаш ва асарни эътибор билан мутолаа қилиш талаб этилади. Жумладан, қизил тегирмон, шоирни доимий таъбиқ этиб юрвчи қора чивин, осмон тўла юлдузлар, ой... Бу рамзларни ҳар ким ўзича тушунади. Аммо қайта-қайта ўқиганингизда яна янги маънолар чиқиб келаверилади.

Асарда Чўлпон билан бир қаторда, Бехбудий, Авлоний, Фират, Мунаввар қори, Қодирий, Элбек, Усмон Носир, Фафур Фулом, Ойбек, Ўғун каби таниқли ижодкорларнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ишонарли ва ҳаққоний тасвирланган. Айниқса, Чўлпоннинг Абдулла Қодирий билан учрашувлари, Усмон Носир билан бўлган суҳбатлари жуда ишончли ва кишининг юрак-юрағига сингадиган тарзда



дардчил ёритилган.

Одатда тарихий шахслар ҳақида асар битилганда қаҳрамоннинг ижобий хислатлари бўрттириб кўрсатилиб, камчилик ва қусурларига у қадар эътибор қаратилмайди. Ҳаддан зиёд мақтов ва идеаллаштириш ўқувчининг ҳам гашига тегиши бор гап. Аммо "Чўлпон" романи қаҳрамонлари ўзгача фазилятлари билан бирга қусурлари, хато ва камчиликлари ила намоён бўладики, бу китобхонни уларга яқинлаштиради, суҳбатдошга айлантиради, ўша давр муҳитига олиб кириб, жадидлар билан замондош қилиб қўяди.

Тўғриси, бу асарни ўқиш давомида жадид боболаримизга бир дўст ўлароқ "ҳасратлашиб", уларнинг изтиробларидан кўзимга ёш келган, қувончдан жойимдан иргийлаб юборган пайтларим бўлди. Бу ҳам романнинг энг муҳим ютуқларидан биридир.

Асар воқеалари қарийб бир асрдан олдин юз берган бўлса-да, роман қаҳрамонлари бугунги тилимизда сўзлайди, эски ўзбек тили элементларини араштирамайди. Уларнинг изтиробларидан кўзимга ёш келган, қувончдан жойимдан иргийлаб юборган пайтларим бўлди. Бу ҳам романнинг энг муҳим ютуқларидан биридир.

Асар воқеалари қарийб бир асрдан олдин юз берган бўлса-да, роман қаҳрамонлари бугунги тилимизда сўзлайди, эски ўзбек тили элементларини араштирамайди. Уларнинг изтиробларидан кўзимга ёш келган, қувончдан жойимдан иргийлаб юборган пайтларим бўлди. Бу ҳам романнинг энг муҳим ютуқларидан биридир.

Таниқли чўлпоншунос олим, филология фанлари доктори, профессор Дилмурод Қуранов шундай ёзган эди: "Чўлпон танглайи миллат дарди билан кўтарилган шоир эди. Унинг ҳаётдаги амаллари ҳам, ижоддаги изланишлари ҳам миллатнинг эртаси ҳақидаги ташвиш, миллат тараққийи, миллат озолиги каби улғун ниятлар билан чамбарчас боғлиқ эди". Дарҳақиқат, шундай. Наби Жалолиддиннинг ушбу роман-диалогиясини мутолаа қилиш орқали Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпоннинг ана шу ҳислати, фазилятини янада теранроқ, янада аниқроқ ҳис этиш мумкин. Бу каби асарлар кўпроқ тарғиб этилиши, кўпроқ ўқилиши, халқимиз, айниқса, ёшларимизнинг онгу шуурига чуқур сингishi бизнинг миллий ўзлигимизни топишимизга, жадид боболаримиз орзу қилган тараққийиётга тезроқ эришимизга хизмат қилади.

**Бекзод ИБРАГИМОВ,**  
**Алишер Навоий номидаги**  
**Тошкент давлат ўзбек тили ва**  
**адабиёти университети**  
**мустақил тадқиқотчиси**



# ҲАЛИМА ҲАМ ЎТИБ КЕТДИ, БИЛМАДИК...

Бошланиши 1-саҳифада.

“Менинг Тошкентга келиб қолишимга жаннатмакон устоз, давлат арбоби Шароф Рашидов сабаб бўлганлар. У киши Сирдарёга борганларида “Сирдарё ҳақиқати” газетасида менинг шеърларимни ўқиб, ўша йиллардаги вилоят ҳокими (область партия кўмитасининг котиби – А.И.) Носир Маҳмудов ва газета бош муҳаррири Исмоил Сулаймоновга отам билан гаплашиб, мактабни тугатганимдан сўнг мени (унда 9-синфда ўқирдим) Тошкентга ўқишга юборишларини тайинлаб кетган эканлар” (Ҳалима Худойбердиеванинг хотираларидан).

Барибир уйланиб қоласан. Иши қалалиб ётган, том маънода бош қашимга вақти йўқ арбоб, бир юртнинг каттақони эринмасдан вилоят газетини ўқимаганида, ундаги қизалоқнинг шеърли машқларига эътибор қаратмаганида, бу битикларда фавқуллоҳда истеъдод учкунларини кўрмаганида нима бўларди? Онасининг хотирлашича, фақат китоб ўқийдиган, ўчоқ бошидаям бир нарсаларни ёзиб ўтирадиган қизалоқ ўз салоҳияти билан барибир бир куни катта адабиёт осмонда юлдуз бўлиб порлай олармиди ёнки қаламини кетмон-кововга, туйгуларини эса ўзбекнинг тўй-томоша кўринишидаги азалий орзу-ҳавасларига алмашиб, тирикчилиқнинг адоқсиз ташвишларига фарқ бўлармиди...

Ҳар нечук, аслини олганда ҳам адабиётга, иқтидорга эътибор – келажакка эътиборлиги Ҳалима опа мисолида яна бир бор ўз исботини топди. Илло, Ҳалима Худойбердиева жуда қисқа фурсатда ўзбекнинг энг таниқли, тилга тушган, суюкли шоирасига айланди.

Ўтган асрнинг етмишинчи йиллари. Биз Мирзачўлнинг қоқ марказида жойлашган Оқолтин туманидаги мактабда ўқиймиз. Кутубхонамиз анчагина катта эди, бироқ барибир китоб етишмасди, яхшилари эса



қўлма-қўл ўқиларди. Шундай кунларнинг бирида кутубхонамизга “Ўзимизнинг чўллик шоира”нинг “Оқ олмалар” китоби келиб қолди дег. Ана навбату, мана навбат!.. Тез орада ўқилаверганидан титилиб кетган тўп-ламдаги шеърлар ёд бўлиб кетса ҳамки, ўқувчилар уни қўлдан қўйишмасди. Яхши китобнинг ана шундай оҳанрабои бўларкан-да.

Шундан сўнг опанинг нашрдан чиққан қай китобики бор, топиб олиб ўқийвердик: “Чаман”, “Суянч тоғларим”, “Бобо кўёш”, “Иссиқ қор”... Илло, юрак қони билан, ўртаниб ёзилган асаргина юракларни алғов-далғов қилиб ташлайди, қайта-қайта ўқишга эҳтиёж уйғотади. Бу борада Ҳалима опанинг ижод тутуми аён эди:

*Шунчаки ёзганга чидаб бўлмайди,  
Шунчаки ёзмок бу – шоирга ўлим.*

Яшириб нима қилай, биз сирдарёликлар шундай буюк шоирамиз борлигидан фахрланардик, ғурурланардик. То дунёда ўзбек деган халқ бор экан, Ҳалима Худойбердиеванинг бетақорор асарлари қайта-қайта ўқилаверади, ўқилаверади, бу эса асл ижодкоримизнинг бахти, саодатидан, абадиятидан шохидлик бериб туради дея қатъий ишонардик ҳам. Бироқ, салобати босармиди, опанинг яқинига боришга ҳаддимиз сизмасди, “нимани қойиллатиб қўйибмизки...” деган хижолат аралаш андиша ҳам бор эди орада.

Шуқр, асримиз бошларида улғу шоира билан бир газетанда ишлаш имконияти насиб этди. Бу йиллар мобайнида опани кузатдим. Ва шу пайтгача Ҳалима опани улғу шоира сифатида таниб келган бўлсам, энди чўнг иродали, ҳаёт синовларига мато-

нат билан бардош бера оладиган, уқбатли ситамларини ичига ютиб, аламли ҳиссиётларини бировга кўрсатмай яшашга қодир Шахс сифатида кашф этдим. Ў, ўша кунлардаги гурунгаримиз... Айниқса, “Ўш-Ўзган фарёди” дафтари ҳақида гаплашганимиз... Шоира бемисл изтироб билан, кўз ёшлари аралаш “Унутганинг қуйсин икки дунёси” шеъри ҳақида сўзлаганда мен атоқли синчимиз Қозоқбой Йўлдошев нима учун Ҳалима опани “Туроннинг она йўлбарси” деб атаганини илгандай бўлдим.

Шундай шоира-я... Ватанни, кўхна Туронни Ҳалима опани “Туроннинг она йўлбарси” деб атаганини илгандай бўлдим. Шундай шоирани...  
*Қон аслан ёруғлик. Еруғлан, тиз чўк,  
Асл мард Ватанга тиз чўкиб ўтар.  
Қанча қонинг бўлса, Ватан учун тўк,  
Қанча шонинг бўлса – Ватанни кўтар!*  
Шундай шоирани...

“Қора рўйхатлардан ижодкорларнинг ўчирилганлигини қўлламан, албатта. Ўзим ўша қора рўйхатда эдим. 22 йил исталмаган шахс бўлдим. 22 йил радио ва телевиденидан узоқ тутулдим. 22 йиллик танаффусдан кейин ўтган йилнинг декабридагина телевиденида юзим кўринди”. (Ҳалима Худойбердиеванинг 2017 йилги интервьюси-дан).

Шоиранинг ўша йиллари ёзилган шеърларини ўқинг, юрагингиз орқага тортиб кетади:

*Оёғингизгача ялаб ётди бўрилар,  
Едирдиниз, бўғизгача ботди бўрилар.  
Қалтис кунлар келганининг  
ҳидин олди-ю,  
Кунни учун тағин Сизни сотди бўрилар...  
Ёки:  
Китобларим ёқилди...  
Қизиқ,  
Шон келганими бу,  
Ё кетганими шон?*

*Бу ютқими ёки ютқизик,  
Бу ҳолга тушунмай  
Ўзим ҳам ҳайрон...*

Биз ҳам ҳайрон қоламиз, биз ҳам ҳайратга тушамиз. Ишонгимиз келмайди. Лекин бу ҳақиқат. Бизга кўп сабоқлар бера оладиган ҳақиқат.

Алоҳа ҳақ қарор топди. Ҳалима опа учун ҳақиқий дорилмомон кунлар келди. “Эл-юрт ҳурмати” ордени билан тақдирланганида кўрганман: шоира бирдан яшариб кетди. Кўзлар қақнаган, лабларда масрур табассум, қадамлар энгил... Ҳайратланганимдан, “Ҳалиям ёш, ҳалиям гўзал” деган ҳикоя ёзганим.

Ваҳоланки:  
*Чарсиллаган бир ўт ёнар ичимда,  
Мен шеър айтсам, айтмадим тил учинда.  
Бу талотуп, қув-қув, чоп-чоп учинда  
Ҳалима ҳам ўтиб борар, билмаслар...  
Ҳа, шундай шоира ўтди, биз билмай ҳам қолдик.*

Бугун вилоят маркази Гулистон шаҳрида Ҳалима Худойбердиева номидаги Ижод мактаби фаолият кўрсатмоқда. Мактаб ёнида шоиранинг мухташам ҳайкали қад ростлаган.

Элини суйиб ўтган шоира ҳамиша эл ардоғида бўлиши ҳам жоиз-да. Ўзбекистон халқ шоири, Давлат мукофоти лауреати, “Эл-юрт ҳурмати” ордени соҳибаси Ҳалима Худойбердиева бутун Ўзбекистон аҳлининг суюмли ижодкоридир. Абдулла Қаҳҳорнинг бир гапи бор: “Гуржистонда маданият тарихига оид бўлса, ўлган отнинг тақасини ҳам бахмалга қадаб осиб қўйишар экан”. Ҳалима опа эса катта адабиётимизнинг катта эҳтиромга муносиб ажралмас, залворли бўлаги. Ҳалима опа ижоди – тубсиз уммон. Ижодкорнинг асарларини қанчалик кўп ўқисак, шурумингиз шунчалик юксалади, қалбимиз уйғоқлашади.

**Абдуқоном ЙЎЛДОШЕВ,  
ёзувчи**

## ШЕЪРИЯТ

# ДОРИЛОМОН КУНЛАР КЕЛДИ

### МУҚАДДАС АЁЛ!

Ошиқларинг пойинга гул отиб ҳам бўлди,  
Хилватларда лабиндан бол тотиб ҳам бўлди,  
Ва бу ҳақда кимларгадир сотиб ҳам бўлди,  
Сен барибир муқаддасан,  
Муқаддас Аёл!

Аввал: “Кел-ей, кучоғимга тўл, балқ”, дедилар,  
Унамадинг, “аёл ўзи терс халқ”, дедилар,  
Ичолмагач, юз ўгириб: шўр, талх... дедилар,  
Сен барибир муқаддасан,  
Муқаддас Аёл!

Сен дарёсан, ўлганини қирғоқ яширар,  
Жуфтим бўл, – деб чопганини ҳар тоқ яширар,  
Жаннатим, – деб қувонмасдан қумлоқ яширар,  
Сен барибир муқаддасан,  
Муқаддас Аёл!

Асли бу бор эрмакларнинг борар ери Сен,  
Росту ёлғон эртақларнинг борар ери Сен,  
Асов отдай эркакларнинг борар ери Сен,  
Сен барибир муқаддасан,  
Муқаддас Аёл!

Чорлашганда сен келсанг, гоҳ бекор келсанг-да,  
Маст даврада бир сарин ел, бир тор келсанг-да,  
Хор келсанг-да, номардларга гоҳ хор келсанг-да,  
Сен барибир муқаддасан,  
Муқаддас Аёл!

Қимтинанасан, астагина кўтарасан бош,  
Минг йилликдир кўзингдаги жовдираган ёш,  
Гуноҳорлар мингу битта Сенга тегад тош,  
Сен барибир муқаддасан,  
Муқаддас Аёл!

Ҳарир, хушбўй баданинда тошлар изи бор,  
Кўкрагинда эгилган не бошлар изи бор,  
Кувёш изи, қуйдирган қувёшлар изи бор,  
Сен барибир муқаддасан,  
Муқаддас Аёл!

### ДОРИЛОМОН КУНЛАР КЕЛДИ...

Онагинам!  
Дорилмомон кунлар келди, шафақлари ол,  
Қаён боқсанг, шайланишлар ва созлашар тор.  
Олча гулин кўларингга суртасан беҳол:  
“Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор”.

Сўлгин-сўлгин лаблариндан учаркан шу сўз,  
Отагинам хаёлимда ростлай бошлар қад.  
Дорилмомон кунларга қайт, онам, юмиб кўз,  
Ўксик дилда бошланмасин десанг қиёмат.

Бу табиат суюмликдир ҳам кўзлари кўр,  
Гоҳ шаробдан, гоҳ оғудан қилар бизни маст.  
Белгинанга тиргак бўлай, онажоним, тур,  
Дорилмомон кувёшга боқ, унга қасдма-қасд.

Юзинг ардоқли қувёшдай иссиқ ва маҳваш,  
Кўларингда умид ёнар тикилган они,  
Қорли кунлар билан кетсин дилингдаги ғаш,  
Қизмиш, поларанг қоплайдир бу кун дунёни.

Бу дунёнинг қир-дарасин хосияти мўл,  
Ерни яланг оёқ боссанг яйрайди танинг.  
Яшамок – бир тансиқ таом, унга урсанг қўл,  
Борган сари очиладир иштаҳанг санинг.

Боглардаги етилгуси ҳар мевали шох  
Ризқидир бизга, ризққа доим дил илнжликдир.  
Ўғлонларинг келар, ана, очишиб қучоқ,  
Ўғлонларинг мева қадар бир ширинликдир.

Онагинам!  
Ўзинг тортма давралардан, эл чорлаганда,  
“Тирикликнинг байрами”, деб созланганда тор.  
Ўзинг сўлгин лаблар билан пичирлагандай:  
“Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор”.

### ТУРОН

**Турклиқнинг муқаддас ўчоғи Турон  
Абдурауф ФИТРАТ**

Ўнгимда руҳимга ўқ отган фикр,  
Кўнглимга бир ёруғ чўғ отган фикр.  
Уйқумда қонимни уйғотган фикр:  
“Турклиқнинг муқаддас ўчоғи Турон”.

Мозийи ҳар отар тонгни эмизган,  
Ҳар тилги ақлни, онгни эмизган,  
Бўри, тулкimas, арслонни эмизган –  
Турклиқнинг кўкраги, булоғи Турон.

Кўкига турналар “кур-кур”лаб ботган,  
Отганда камони беҳато отган.  
Темурдай хоқонлар қирқирлаб ётган,  
Турклиқнинг бешиги, кучоғи Турон.

Кейин... орқадан ёв тошлари етгач,  
Сара кексалари, ёшлари кетгач,  
Тарқоқ арслонларин бошлари кетгач,  
Ернинг тутаб ётган қир, тоғи Турон.

Бой-бой боболарим бойиб, йиқилди,  
Ўз қонига ўзи тойиб йиқилди.  
Бир-бировига бош қўйиб йиқилди,  
Кўнглимининг куйиги, дард, доғи Турон.

Шуқур, хун уйғотди қайтадан қонни,  
Арслон болалари қайтадан ёнди.  
Ёвлар ололмаган энди Туронни,  
Бугун, тик арслонларнинг тоғи Турон!

### ВАТАН ЖИМ ТУРАДИ

Ватан жим туради, аммо у ҳақда  
Тоғдан тушиб келган тош сўз айтади.  
Бир садолар келар жим-жим куртақдан,  
Осмондан келган қувёш сўз айтади.

Ватан жим туради, байроғи ёниб,  
Бошидаги туғи айтади сўзни.

**Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА,  
Ўзбекистон халқ шоири**

Мозийлардан келиб – чир-чир айланиб,  
Момонинг урчуғи айтади сўзни.

Ватан жим туради. Саболарининг  
Найларга қўшилиб бўзлари кўпдир.  
Саратон. Даштдаги боболаримнинг  
Пастак чайлаларин сўзлари кўпдир.  
Ватан жим туради...

### ТОМОҚ ҚИРИШИ

Ота келганини доим қишу ёз  
Томоқ қиришидан билар эдилар.  
Болаю катталар чиқарди пешвоз,  
Барсдай юришидан билар эдилар.

Энди у йўлбарс йўқ, тортмасдан сергак  
Бемалол ўтирар, уйда аёл – ой.  
Эркак шундай бўлса, келганда эрка  
Аёл типирчилаб топмай қолса жой.

Бу аёл олдинам бемалол эди,  
Уддалай олмади эрга шамликни.  
Қабул қилолмади эрканинг диди  
Аёлдаги бу тур хотиржамликни.

Аёл энди хушёр, қулоғи овда,  
Йиллаб эслар эрин ҳар бир киришин.  
Энди тушларини қилар безовта  
Шовқин. Ва эрканинг томоқ қириши.

### БАТАМОМ УЙҒОНСАМ...

Тураётган қушга  
Ухшайман жуда,  
Қушларга ўхшайман  
Уйғонаётган.  
Баъзи томирларим  
Ҳали уйқуда,  
Баъзи томирларда  
Қонларим қотган.  
Ҳас-хашаклар билан

Судралиб юриб,  
Ўқлик орзусида  
Кетиб борар ёй.  
Ўзимча нелардур  
Ғудраниб юриб,  
Гулдайин умримни  
Бермоқдаман бой.  
Ўзимча кимнингдир  
Ғамини едим,  
Кимнингдир қунига  
Юрибман яраб.  
Батамом уйғониб  
Ололсам эди,  
Учиб кетаримдир  
Кўкларга қараб.

### КУТИШ

Баллада

Билмам, тўғримиди ва ёки хато,  
Ўғилчасин уч кун куттирди ота.  
Уч кун унга умид боғлади етим,  
Уч кун кир енгига йиғлади етим.  
Кейин ота кутди. Уч йиллаб кутди.  
Кўзи ёшдан хира, филтиллаб кутди.  
Чиқиб куншувоққа, том орқасига,  
Соғинчларин эки томорқасига.  
Кейин... ўттиз йиллаб кўзи йўл ўйди,  
Кейин кўрмай қолди. Кўзиям тўйди.  
Сўнг... тимирилганиб чиқди сўрига,  
Ўлди. Шу юк билан кетди гўрига.  
Сўнг...  
У ҳам умр бўйи бўлганмиди хит –  
Улар-чун ув тортид ҳовлида кўр ит.

### МАЖНУНТОЛ

Мажнунтол, эй, эгиз шох  
Сен кимларга сир айтдинг.  
Баридан бўлдим огоҳ,  
Ун айтдингми, бир айтдинг.

Сирингди сувга солма,  
Баргиндан ғам арисин.  
Бир сирингни ололмай  
Ёш дунёлар қарисин.

Сен ҳам кўзин ёшини  
Ҳеч ким кўрмас бир найсан.  
Фақат ишқинг яшириб  
Меңдек йиғлабмайсан.



ТАДҚИҚОТ

# ЕР МАСАЛАСИГА ДОИР УЧ ВАСИҚА

**А**бдурауф Абдурахим ўгли Фитрат 1932 йили Тошкентда ташкил этилган Ўзбекистон Фанлар кўмитасининг тил ва адабиёт бўлимида профессор вазифасида ишлаётганида бу илм даргоҳининг нуфузини кўтариш учун филология соҳасида кадрлар тайёрлашга катта аҳамият берди. Академик Иззат Султоннинг қайд этишича, Фитрат унинг “Навоий “Мезонул-авзон” асарининг критик тексти” мавзусидаги номзодлик диссертациясига илмий раҳбарлик қилган. Шунингдек, у 1936 йилда “Аруз ҳақида” илмий рисоласини ёзган. Шарқшунослик институти кўлэмалар фондидаги кўплаб асарларни ҳам ўрганиб, уларнинг тавсифини яратган. Айни 1932 йили профессор Фитратга собиқ иттифоқ Фанлар академияси томонидан Ўрта Осиё тарихига оид ҳужжатларга доир тавсифий мақола ёзиш вазифаси топширилади. Бунга жавобан Фитрат “Ўрта Осиёда ер масаласига доир уч васиқа” (1933), “Собиқ Бухоро хонлигида ер муносабатлари тарихига доир материаллар” (1935), “XVI асрда қозихона ҳужжатлари” (1937) каби тавсифий мақолалар ёзди. Бу ҳужжатлар ўз вақтида рус тилига таржима қилиниб, Марказга юборилган ва нашр этилган, бироқ уларнинг аслияти сақланмаган.



кенагас уруғи ўртасидаги урушлар тафсилоти акс этирилган. Ушбу ҳужжатларда адабиёт тарихи учун муҳим ҳисобланган маълумотлар ҳам учрайди. Масалан, 70 ва 265-хатларда қўқонлик машҳур шоир Жунайдуллоҳ Ҳоziқ таржимаи ҳолига тегишли маълумот бор. Шунингдек, у ҳижрий 1259 йилда Шахрисабзда Амир Насруллоҳ буйруғи билан ўлдирилгани аниқ ёзиб қўйилган. Ушбу маънада фойдаланиб, П.Қайюми Ҳоziқ ўлими воқеасини ўз китобида батафсил ёритган.

Ҳужжатларда Бухоро амирлигидаги солиқ тизими ҳақида ҳам сўз юритилган, “мулки ҳукм”, “мулки хур”, “хирож”, “сафидий”, “кабудий” ва бошқа солиқ турлари келтирилади ҳамда бу ерларда ишловчи қорандан (ер ишловчи), музохер (ерни ижарага олган шахс); давлат ерлари, вақф ерлар ва хусусий ерлар ҳамда уларнинг солиққа тортилиш шартлари баён этилади.

Назаримизда, бу муҳим ҳужжатлар тўплами Фитрат домланинг кутубхонасида узоқ сақланган. У 1917-1918 йилларда “Хуррият” газетасида муҳаррирлик пайтида эълон қилган “Бухоронинг аскарлари” (1917 йил 23 август, 29 сентябрь), “Бухоро уламоси” (1917 йил 4 ноябрь), “Бухоро хонлигида очлик” (1917 йил 21 ноябрь), “Бухоронинг



ҳоли” (1918 йил 12 январь), “Бухорода инқилоб” (1918 йил 19, 26 февраль, 1 март) каби мақолаларда ушбу ҳужжатдан фойдаланиб, Бухоро амирлигининг сиёсий, иқтисодий, молиявий аҳволи ҳақида маълумотлар берган. Масалан, “Бухоронинг ҳоли” мақоласида (“Хуррият”, 62-сон) келтирилган мулки хур (озод ерлар), вақф мулки, мулки хирожий каби мулклар ва улардан олинади-

ган солиқлар хусусида хабар берилган.

Мақолада тавсиф берилган учинчи ҳужжат “Амир Насруллоҳнинг Ҳақим қушбегига ёзилган мактуби”дир. Форс тилида ёзилган бу муҳим ҳужжат ҳам Фитрат кутубхонасида сақланиши айтилган. Ҳужжатта қисқа кириш ҳавола қилинган бўлиб, унда Амир Ҳайдарнинг ўлими, Ҳусайн тўра, Умар тўра вафотидан кейин Ҳақим қушбеги томонидан Насруллоҳнинг хон қилиб тахтга ўтказилиши воқеалари баён қилинган. Хатда Бухоро мангит амирларидан Ҳайдарнинг ўғли амир Насруллоҳнинг қушбеги унвонини олиши, унинг Шахрисабзга урушга юборилиши воқеалари баён қилинган. Шунингдек, бу ҳужжатда Амир Насруллоҳнинг Ҳақим қушбегига юборган ҳижрий 1246 йилги фармонининг матни ҳам тўлиқ келтирилган. Унга кўра, мирзабоши, мирохур, жебачи, тўқсоба, эпликбоши каби амалдорларга бериладиган маошлар галла ҳисобида кўрсатилган.

Мақола сўнггида Фитрат: “Бу жамланган ҳужжатлар кўплаб тарихий саволларга жавоб беради. Фанлар академияси Ўрта Осиё республикалари билан бирга ушбу ҳужжатларни нашр эттирса, бу каби ҳужжатларнинг таҳлилиси Марказий Осиё тарихининг асос муаммоларини ёритиш ва таҳлил қилиш мумкин эмас”, тарзида хулоса чиқаради.

Фитратнинг ушбу мақоласида сиёсий воқеа – ҳарбий юришлар, иқтисодий ҳолат – мулк ва солиқ тизимини оидинлатишга ёрдам бериш, айрим тарихий шахслар ва шоирлар ҳақидаги аниқ маълумотлар акс этгани учун уларга тарих, адабиёт, фалсафа ва бошқа соҳалар учун ҳам қимматли манбалар тўплами сифатида ёндоқиш мумкин.


Мақоланинг аслини излаб, турли архив ва фондларга мурожаат этилди, бироқ унинг форс-тожик тилидаги асл нусхаси топилмади. Изланишлар натижасида ушбу ҳужжатнинг Истанбулда нашр этилган туркча таржимасини профессор Темур Ҳўжа ўғли топиб, бизга юборди. Афтдан, мақола 1933 йилда Ленинградда чоп этилгандан сўнг унга турли туркий давлатлар ҳам қизиқиш билдирган. Масалан, Фитратнинг мақоласи ва унга илова қилинган ҳужжатлар Й.Калантай исми таржимон томонидан рус тилидан турк тилига таржима қилинган ва “Ўрта Осиёда орази масаласига доир уч васиқа” сарлавҳаси билан Истанбулдаги “Вақифлар дергиси” журналида 1938 йили (147-157-бетлар) чоп қилинган. Ушбу туркча матн русча матндан таржима қилингани учун айрим сўз ва тушунчалар мураккаблашган, лекин ҳужжат ва хатлардан келтирилган намуналарнинг аслияти, яъни форс тилида берилгани ушбу ҳужжатларнинг тил хусусиятлари ҳам расмий идора услубини ўрганишга ёрдам беради.

Фитратнинг Шарқ халқлари тарихи, жумладан, Бухоро давлатчилиги тарихидан чуқур хабардор экани ушбу мақоладан маълум. Шунинг учун ҳам собиқ Иттифоқ Фанлар академияси XX асрнинг 30-йилларида улуғ олимга бир неча марта мурожаат қилиб, тарихга доир айрим ҳужжатлар аниқлаштирилишини ва юқорида кўрсатилган мавзулар буйича мақола тайёрлаб беришини сўраган эди. Натижада Фитратнинг “Ўрта Осиёда ер масаласига доир уч васиқа” асари тайёрланди. Бу мақола ушбу сатрлар муаллифи томонидан рус тилидан (ҳужжат намуналари эса форс тилидан) ўзбек тилига таржима этилди, хатлардан намуналар форсча ва туркча матнлар билан солиштириб чиқилди.

**Ҳамидулла БОЛТАБОВЕВ,**  
филология фанлари доктори, профессор

НИГОХ

**Ўзбекистон халқ рассоми Алишер Мирзо замонавий ўзбек тасвирий санъатида бадийи меросимизни фаол ўзлаштириб, янги ифодавий услублар устида иш олиб бораётган изланувчан ижодкорларимиздан бири ҳисобланади.**



# МУСАВВИРОНА ИДРОК

Устоз мусаввирнинг графика санъати ва рангтавир соҳасидаги изланишлари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Ижодкор графиканинг ўзига хос жиҳатларини жуда назик идрок этади, чизгилар ёрдамида мураккаб бадийи ечимларга бой мустақил асарлар яратади. Бундай асарлардаги чизгилар ўзининг муқийлиги билан ажралиб туради. Алишер Мирзонинг графика жанридаги туркум ишлари қатағон қурбони бўлган буюк адиб, ўзбек романчилик мактабининг асосчиси Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижодига бағишланган. Юртимизда улуғ ёзувчининг асарларини ўқимаган, Отабек ва Кумуш, Анвар ва Раънога ҳавас қилмаган, уларга ўхшашни ис-тамаган инсон камдан-кам топилса керак. Бироқ ўқиниб қолганда, кўрган бошқа, дейдилар. Мабодо Абдулла Қодирий рассом бўлганида, шубҳасиз, бу қахрамонларини контраст бўёқларда тасвирлаган бўларди. Зеро, адибнинг ўзи лутф этганидек: “...Мен рассом эмасман. Агар менда шу санъат бўлганда эди, сўз билан билжираб ўлтурмас, шу ўрунда сизга Раънонинг расмини тортиб кўрсатар, кўяр, фақат менга Раъно гулининг сувигина кўпроқ керак бўлар эди...” Адибининг ҳар бир сўзи сонинг тарағон тортилган торини эслатади. Алишер Мирзо ана шундай атоқли инсоннинг тақдирини мусаввирона идрок этган.

Абдулла Қодирий ҳақида халқ орасида тарқалган гапларни эшитиб, уни беқиёс кудратга эга ёзувчи сифатида тасаввур қилган рассом, аввало, адибнинг “Уткан кунлар” романини қайта-қайта ўқиб чиққан ва асар бундай қахрамонларнинг ўзаро муносабатларига кўпроқ эътиборини қаратган.


Иш жараёнида рассом кўплаб материал тўплади. Бу борада ёзувчининг ўлими Ҳабибулла Қодирийнинг ёрдами катта бўлди. У кишининг кўрган-кечирганлари, ҳикоялари мусаввирга асқотди. Шулар асосида рассом Абдулла Қодирийнинг етти-саккиз ёшлардаги қиёфасини яратди. Шунингдек, мусаввир Абдулла Қодирийнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш жараёнида ўзи учун кўп нарсаларни кашф қилди. Аввало, адибнинг оила аъзолари – фарзандлари, набиралари билан яқиндан танишди. Улар билан бирга адибнинг ҳовли-жойи тарҳини чизди ва шу асосда иморат, шийпон, дарвоза, деразалир, ҳовуз, узумзор, дарахтзор, полиз, бўғотгача – Барчасини қайта тиклади. Шунингдек, у адибнинг “Уткан кунлар” романи сюжети билан боғлиқ картиналарни яратишга астойдил тайёргарлик кўрди. Асарда картинабоп ҳолатлар жуда кўп, фақат уларни кўра биллиш лозим эди. Масалан, Отабекнинг Мирзакарим кутидор уйдан ҳайдалиб, отини етаклаб кетаётган ҳолати. Бу ҳолатни “Инсон ва боши берк кўча” дейиш мумкин, ушбу ҳолатда жуда катта дард ва мазмун муҷассам. Балки шунинг учундир, Алишер Мирзонинг ушбу йўналишда ишлаган суратларини Абдулла Қодирий асарига шунчаки иллюстрация деб бўлмади. Рассом китобга иллюстрация чизмаган, балки дард ва изтироб билан қорилган гўзал асарлар туркумини яратган. Бу эса унинг юксак маҳоратли рангтавирчи рассом эканлигини далиллади.

Мақур туркумга оид асарларда бир ҳолатни кузатиш мумкин: қахрамонларнинг қиёфаси ўхшашлиги сақланмаган, яъни бир картинадаги Отабек ва Кумуш бошқа картинадагига ўхшамайди. Маълумки, ҳар бир китобхоннинг ўз Отабеги, ўз Кумуши бор. Айнан шу сабабдан рассом бу картиналар кенг миқёсда идрок қилиниши мумкин бўлган, мустақил асарлар бўлиб қолишини истаган.

Тарихий мавзудаги асарларда ашъвий далиллар катта аҳамиятга эга. Шу маънода, Алишер Мирзо ўз асарларида XIX аср амалий санъати намуналаридан, меъморчилик, либослар, турли тақинчоқлардан ва ҳатто, Абдулла Қодирийнинг қамқоқхонада туширилган фотосуратидан ҳам унумли фойдаланган. Бу ишда рассом кино санъатида дахлдор бир усулни ишлатиб, қатағон даври фожиасини тасвирлашга эришган. Бу асарларнинг ўзига хос қиммати ҳам шунда.

Очиги, Абдулла Қодирийнинг суронли ҳаёти ва юксак ижодини ёритишга биргина рассомнинг умри камлик қилади. Алишер Мирзо адибни қандай тушуниб, қандай тасаввур этганини “Уткан кунлар” асарига ишланган тасвирий санъат асарлари мисолида беришга интилган. Бу ўлмас асарга шарҳ ва талқин шарт бўлмагани каби, ушбу суратларга ҳам изоҳ даркор эмас. Уларни кўроқ, англамоқ, кўнгил кўзгусига жойламоқ керак. Зеро, мусаввир тасвирлар орқали бизга сабоқ беради. Бу тасвирлар Алишер Мирзонинг кўнгил ва руҳидан вужудга келган. Устоз рассомнинг ҳали режалари кўп. Абдулла Қодирий сиймоси уни ҳамisha ўзига тортиб туради.

**Дилафрўз ҚУРБОНОВА,**  
Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти проректори, тарих фанлари доктори



малар учрайди.

Иккинчи ҳужжат “Амир Ҳайдарнинг Саййид Аҳмад жогага ёзган эсдаликлари”дир. Ушбу ҳужжат XIX аср бошларига тегишли бўлиб, форс тилида битилган. Фитрат унга “менинг кутубхонамда сақланади”, деб изоҳ берган. Мақолада Амир Ҳайдар (вафоти ҳижрий 1241) Саййид Аҳмад хожани Чоржўй, Насаф, Қармина, Нурота ва Хузар вилоятларига садр (раис) қилиб тайинлангани айтилади. Саййид Аҳмад хожанинг 20 йиллик садрлик фаолиятига тегишли 962 та ҳужжат 410 саҳифалик алоҳида мажмуага жамланган ва Саййид Аҳмад нақиб Туронзамин томонидан муҳрланган (ҳижрий 1230). Ушбу ҳужжатлар тарихий, иқтисодий ва маданий соҳаларга оид бўлиб, уларнинг тарих ва иқтисодиёт илмлари учун аҳамияти турли даражада. Ҳужжатлар орасида ҳарбий ёрликлар анчагина, уларда ҳарбий харажатлар кўрсатилган, садр, нақиб, амири лашкар каби ҳарбий унвонлар ва айрим унвонлар соҳибларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари баён қилинган. Ҳужжатларнинг айримларида Улуттепа, Халаж ва Гунаш туманларида юз берган кўзғолонлар ва уларнинг бостирликлари доир қайдлар ҳам мавжуд.

Мақолада Фитрат домла, аҳамиятига қараб, 8-12-хатлардан намуналар келтирилган. Айрим хатлар тўлиқ кўчирилиб, таржимаси билан берилган. 15, 26, 37-38, 51, 359, 491, 530, 536, 571, 932-933 ва 944-хатларда Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлиги ўртасидаги урушлар баён этилган бўлса, 62, 63 ва 255-хатларда Бухородаги мангит уруғи билан Шахрисабздаги

икки-уч тилда гаплаша олади. Шуниси ҳам шукр, ҳарна тил билар экан-ку, деб тилимни тишладим. Яна бир йигитдан... ҳар куни ўқишга келиш ва қайтишда пойтахтимиздаги Хаста Имом ёдгорлиги ёнидан икки марта ўтадиган йигитдан Хаста Имом мажмуаси кимнинг номи билан боғланиши ҳақида, у ерда кимнинг хоки ётгани ҳақида сўраганимда, “Шунчаки тарихий жой”, деб кўя қолди. У шу манзилда ётган буюк бобомиз Қафқол Шоий ҳақида тасаввурга ҳам эга эмас экан, лекин икки тилни билар экан. “Ҳарна, икки тилни...” деб оғир юттиндим.

Яна бир Лукчаев фамилияли йигитдан, кўп узоққа юрмай дедим-да, ўз фамилияси, яъни бобосининг исми қандай маънони англатиши ҳақида сўрадим. У эса тап тортмай: “Бобомнинг исмининг маъносига русчадаги лук сўзидан. Пиёз дегани. Уша пайтларда руслар таъсири кучли бўлгани учун Лукча деб ном қўйилган”, деб жавоб берди. Шундан кейин унга сен Лукчаев эмас, Лукчаевсан. Шу пайтгача ўз фамилиянг билан қизиқиб ҳам кўрмаганим

мени ҳайрон қолдирди, деб лўкча сўзининг маъноси “боши кичикроқ, бўйи узун, бир ўрқачли катта туя, етакчи туя” дегани, Норчаев каби, деб тушунтирдим. Йигит гапларимга кўп ҳам ишонмади. Ҳолбуки, ўз бобоси исмининг маъносини билмайдиган бу йигитимиз иккита тилни билар экан. Яна “ҳарна-да” демоқчи бўлдим, лекин орим келди. Буларнинг тил билиб, ўзини билмагани учун “ҳарна-да” деган суюқ лой билан андавақашлик қилишим керакми? Мисоллар кўп, лекин ҳаммасини дастаклаш ҳам шартмас.

Эҳ, ёшлар, ёшлар... Барака топгурлар. Албатта, кўп тилни билинг, дунёни кўринг, оламни кезинг, ўрганинг, қанча кўп тил билсангиз, шунча яхши. Лекин аввал Ватанини билинг.

Юқоридаги сўзларимдан савияли, юртпарвар ёшларимиз ранжимасинлар. Уларнинг йўриғи бошқа. Мен асосан оғриқ нуқталаримиз ҳақида гапирдим.

**Эшқобил ШУКУР**

ФИКР

# ТИЛ БИЛИШ МУҲИМ, ВАТАННИ БИЛИШ УНДАН ҲАМ МУҲИМ

Кўп бўлмади, бир муассасада хорижга магистратурага ўқишга кетишни режалаштириб турган йигит-қизларимиздан имтиҳон олишимизга тўғри келди. Улар аллақачон бакалавр даражасини олиб бўлишган. Аввало, улар орасида иктидорли, билимли, савияли, ақл-фаросатли илғор ёшларимиз бор эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтаман. Лекин гуруч курмакис бўлмайди. Курмак гуручдан кўпайиб кетса ҳам бўлмайди.

Имтиҳон вақтида асли Тошкентнинг Шайхонтоҳур туманида туғилиб ўсган, Шайхонтоҳур ота зиёратгоҳига яқин жойда яшайдиган бир йигитдан “Узинг яшайдиган жойининг нима учун Шайхонтоҳур деб аталиши ҳақида гапириб бер”, десам, “Шунчаки жой номи”, деб кўя қолди. Мовароуннахрнинг атоқли намоёнаси бўлган Шайх Хованди Тоҳур ҳақида атайлаб сўрасам-да, бир сўз ҳам демеди. У ўзини туғилиб ўсган туман номи тарихини билмас экан, лекин



МУЛОҲАЗА

## “ҲАР КИШИ ЭРМЕН ДЕБОН ЭРМУ БЎЛУР...”

Маълумки, “эр” сўзи нутқимизда “эр киши”, “бирор кимса”, “турмуш ўртоқ”, умуман олганда, маълум бир жинс вакили маъноларида кўзга кўринади. Бугунги кунда мазкур ном асосан ўрта ёшдаги эркакларнинг сифати ҳисобланиб, ёш йигитларга нисбатан қўлланилмайди. Бироқ ушбу лафзнинг тарихий моҳиятига диққат қаратсак, унинг бутун туркий миллатлар феъл-атвори, турмуш тарзи ҳамда кадриятларини ўзида жамлай олган улуғвор истилоҳ эканлигига гувоҳ бўламиз.



“Эр” номи соф туркий сўз ҳисобланиб, илк адабий манбаларда асосий образ ўлароқ кўринади. Туркийларнинг илк давлатчилик ҳокимияти ҳисобланган Аршакийлар номи аслида “эр сак” эканлиги, миллий қахрамон Алп Эр Тўнга шу ном билан шарафлангани бу сўзнинг тарихи анча қадимий эканлигига ишора қилади. Илк ёзма ёдгорликлардан ҳисобланган “Кул тигин” битигтошидаги “Онам хотуннинг бахтлиги учун энг кичик авлодим Кул тигин Эр отини олмишдир”, деган сатрлар туркий адабиётда эр номини олиш улуғ инъом ва музафариат эканлигига аниқлик киритади. Озарбайжон халқ достони “Дада Қуркут китоби”да ёзилганча, қадимги туркийларда одам бирор душманини мағлуб қилмагунча унга исм берилмаган экан. Туркийларда “эр отим” бирикмаси билаги куч-қувватга тўлган, улкан мақсадлар ортидан бориб, халқ қорига яраш учун ҳаракат қиладиган инсонларнинг сифати ҳисобланган. Қадим туркийларда эр – куч-қувват тимсоли эканлиги билан боғлиқ мақоллар ҳам мавжуд бўлган: “Er quti belin, suw quti tein” (Эр қути қўрқмасликда, сув қути чўнқурликда). Боболаримиз “эр” номидан шунчаки кишиларни аташ учун эмас, улуғ инсоний фазилатлар соҳибини номлаш учун фойдаланишган. Мисол учун, халқ кўшиқларида “Бек Алпомиш етти ёшда эр этган, қофирга қаратиб, тўқсон тоғ отган” сингари мисраларнинг қуйлиниши эрликнинг жасорат ва маърифат билан ҳосил қилинишини кўрсатади. Биламизки, Ҳакимбек етти ёшда бобосидан қолган камонни кўтариб, элу юртни лол қолдиради. Шундан сўнг унга Алпомиш номи берилади. Лекин достонда камон воқеасидан кейин Бойбўри ва Ҳакимбекнинг илму маърифатга оид бир суҳбати келадики, ёш алп эрнинг маърифатли қалб эгаси эканлиги ҳам аён бўлади. Алпомиш отасининг саҳийлик ва бахиллик ҳақидаги саволига: “Вақти-бевақт бирорниқига меҳмон келса, отини ушлаб, жойи бор бўлса, кўнглини хушлаб жўнатса, бул ҳам саҳий, агар жойи бор туриб, жой йўқ, деб кўндирмай жўнатса, бул одам бахил. Вақт-бевақт киши бир мазоротнинг қабатидан ўтса, чап оёғини узангидан чиқариб, мазордаги одамларнинг ҳақиқа дуо қилиб ўтса, бул ҳам саҳий, агар бундай қилмаса, бахил...”, дея жавоб беради. Алпомиш етти ёшда диний ҳамда дунёвий билимларнинг зукко билимдони бўлиб улгурган эди. Умуман олганда, фольклор намуналарида инсоният оруз қилган чин инсонлар “эр” дея улуғланган. Шу боисдан Эрали, Эрўгли, Эрсари сингари қахрамонлар ҳақида достонлар қуйланган. Эрлар юртнинг чин ҳимоячилари, миллат фидойилари ҳисобланган. Халқ мақолларида “эр” ва “эл” номлари ёнма-ён келиб, “Эрнинг иши эл билан”, “Яхши от эрники, эр эрники”, “Эр сўзи – эл сўзи”,

“Эр қадрини оғаси эмас, эли билар” каби хикматли сўзларнинг яралиши ана шу моҳият билан боғлиқ. Халқ оғзаки ижоди намуналарида алплар эр этиб, халқни бошқариши энг муҳим жиҳат ҳисобланган. Уларнинг элга хизмати шу билан белгиланган:

*Ота юртин Ёдгор қўзим тебратар,  
Ғаним бўлган душманларни бўзлатар.  
Отаси Эр эди, Эрдай бўп ўтар,  
Отасининг юртин шундай бўп тутар.*

“Эр” истилоҳининг илк шарҳи “Девону луғатит-турк” асарида кўзга ташланиб, эрлик – мардлик ва жасурлик эканлиги айтилади:

назарда тутати. Эр учун бандалар шафқати-га буйин эгиш, рақиб қаршида бош эгиш уят ҳамда иснод ҳисобланган. Темурий шаҳзода Абубакр Мирзо:

*Эр керак ўртанса, ёнса ёлина,  
Ера деб ётса отининг ёлина.  
Ит ўлмуи бирла ўлса яхшироқ,  
Эр отониб душманига ёлина, –*

дер экан, эрлик туркийлар учун ор-номус масаласи бўлганини қайд этади. Биринчи мисрада ёлина – олов, аланга маъносига келган. Эр шундай мардки, ўтда ёниб, жароҳат олганда, Яратгандан мадад сўраб, отининг ёлига бош қўяди, асло душманга илтижо қилиб, мадад тиламайди, жонини омон сақлаш учун унинг пойига йиқилмайди. Эр жисмонан ва маънан мукаммал шахс, унинг учун орият, ғурур туйғулари ҳар нарсадан устун. Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-аббор” достонида бутун бир мақолатнинг “эр била номард” таърифи тавсифига бағишланиши жамият раҳнақиди эрликнинг қандай аҳамиятга эга бўлганини кўрсатади. Улуғ шoir эрни “жонфидо муҳаббаткаш” деб атаб, унинг нафсини енгиб, элу юрти учун жонини фидо қилиши, жанг майдонидида собит тура билиб, ҳар не синов келса, миллат ҳимояси учун отланиши, энг муҳими, хизматларини асло миннат қилмасдан, сир сақлай билиши ҳақида гапирди. Умуман олганда, ҳазрат Навоий наздида, эр – дунё ҳою ҳавасларидан покланиб, улуғ мартабага етган зотлар номидир:

*Улдур эрким, салб этиб нафсоният,  
Ғолиб этади зотиға руҳоният.  
Ҳар кишида бу шараф биззот эрур,  
Ул киши поку шариф авқот эрур.*

Ўқоридаги мисоллар қадимги туркий ва мумтоз адабиёт доирасида баён қилинди. Бу билан эр эътирофи ўтмишда қолиб кетди, деган тасаввур пайдо бўлиши керак эмас. Хусусан, XX аср адабиётида, хоҳ назмда бўлсин, хоҳ насрда, мазкур образ асло қимматини йўқотмади. Бу давр адабий намуналарида ҳам “эр” – эл-юртига суянч, фидойи ва жўмард йигитлар номи бўлиб қолди. Ойбекнинг “Қутлуғ қон” романида Йўлчи раҳмдил, мазлумдан кўмагини аямайдиган, жамки одамзодга шафқат ва ҳиммат назари билан боқадиган қахрамондир. Ҳатто, Мирзақаримбой уни “улуғвор ва вазмин”, “жасорат ва ғурур” соҳиби, дея эътироф қилади. Йўлчи ўлимидан сўнг унинг “...мард йигит эди, номусли йигит эди... эр ўгли – эр эди, у бошқа оламдан эди” деб хотирланиши фикримизни қувватлайди. Ёки бўлмаса, Шавкат Раҳмон шеъриятида эрлар Турон, Туркистоннинг асл умидлари, ватанда ёнган чироқлар эканлиги кўрсатиб берилади:

*Борми эр йигитлар, борми эр қизлар,  
Борми гул бағринда жўмард ноғалар,  
Борми бул туфроқда ўзлигин излаб,  
Осмону фалакка етган болалар.  
Бор бўлса,  
Аларга етқариб қўйинг,  
Бир бошга бир ўлим демаган эрмас,  
Шаҳидлар ўлмайдилар  
Бир қараб тўйинг:  
Ёвга терс қараган мусулмон эмас...*

Бу мисралар бир намуна холос, бундай мисолларни етарлича кўрсатиш ва таҳлил қилиш мумкин. Аён бўлдики, “эр” асл туркий сўз ва етук шахсият эгаларига берилган номдир. Ҳозирги нутқимизда фаол бўлган “эркак” сўзи эса асрлар давомида инсоннинг эмас, ҳайвонлар жинсининг номи сифатида қўлланилган. “Девону луғати-т-турк”да “эркак – ҳар қандай ҳайвон ва парранданинг эрқағи” деб келтирилса, Алибек Рустамов тадқиқотида “эр” сўзи инсонга, “эркак” сўзи ҳайвонга нисбатан ишлатилган”и айтади. Биз бу билан икки сўз орасидаги фарқни кескин хулосалаб, фақат “эр” сўздан фойдаланиши хусусида қарор беришдан йироқмиз. Аммо “эр” номининг тарихий қуввати, мазмун-моҳият қатъийлигини бироз бўлса-да, ёритишни лозим топдикки, миллатнинг чин эгалари бўлган эр йигитлар аслида ким эканлигини, бу эътирофга лойиқ бўлиш учун доимо ғайрат қилиш шартлигини англасин. Зотан, эр киши том маънода куч-қувват, шижоат, ақл-идрок ҳамда илму маърифат соҳиби бўлмоғи лозим ва бу олам мувоzanати учун жуда муҳимдир. Шу сабабдан инсониятга комиллик йўлини кўрсатган умид ва таскин олами ҳисобланмиш бадиий адабиётда “эр” номи энг асосий образга айланган.

Насиба ЖУРАҚУЛОВА

БЕДОР ЎЙ

Соч-соқоли оқарган, ҳаётнинг аччиқ-чучугига роса тўйган, синовларнинг баридан иймони мустаҳкамланган ҳолда ўтган кишилардан бири сифатида сўнги ҳафталада интернетнинг ўзбек кесимини банд қилиб келаётган шов-шув баҳонасида айрим фикрларимни билдиришни лозим топдим. Балки, кимгадир нафи тегиб қолар.

## АВЛОДЛАРГА ИБРАТ БЎЛМОҚ САОДАТИ



Ўзбек афкор оммасини мамлакатнинг тақдирини ёки Ер юзида ҳаётга хавф солаётган воқеалар эмас, жамият олдида турган ўт-қир муаммолар эмас, таниқли шахсларнинг машхурлиги сабаблари ҳам эмас, фақатгина уларнинг шахсий ҳаёти билан боғлиқ шов-шувли гаплар кўпроқ қизиқтиради.

Доим шундай бўлганми? Йўқ. Жаҳидлар ҳаракати фаоллашганда халқимиз дунёқарашида кучли эврилиш бошланган эди. Агар халқда опомонлик хусусияти ҳамон ғолиб келаётган бўлса, бунга “тиш-тирноқсиз” матбуот ва марказий телевидение каналларини асосий сабабчи деб биламан. Дўппини бошдан олиб ўйлаб кўрайлик, азизлар.

Капитализм одамларни бойлик ва шон-шўҳрат кетидан қувишга ундайди, шунга шароит яратади. Ҳатто “чопмайсанми?” дея қамчилайди. Натижада чиндан ўта бойлар ва машхурлар кўпаяди. Бу умуман олганда яхши. Фақат шунинг эътибордан қочирмаслик лозимки, айнан бойлик, қудрат, шон-шўҳрат – шайтонни кўпроқ қизиқтирадиган омишлардир. Унутмайликки, бойлик билан шайтонга малайлик қилиш ҳам, Раҳмонга интилиш ҳам мумкин. Куч-қудрат билан лаянат ҳам, раҳмат ҳам эшитса бўлади. Шон-шўҳрат билан авлодларга улуғ ибрат қолдириш ёки аксинча, улар ўртасида низога сабабчи бўлиш ҳам мумкин.

Ҳар бир инсон бошига осмон узилиб тушаётган бўлса ҳам, нафрати оламни босса ҳам, бошқанинг онасини ҳақорат қилмасин. Чунки бу Аллоҳга маъқул эмас, Аллоҳнинг фаришталари онага ҳақоратни ҳақоратловчининг ўзига қаратишини унутмаслик керак.

Отами ё она қолдираётган моддий ёки ижодий мероси катта бўлса, ўлим келмасидан бурун мерос масаласини адолатли ҳал қилиб қўймоғи лозим.

Абдулла АЪЗАМ

ТАРМОҚЛАРДА НИМА ГАП?

## МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ҲАҚИДА...

Яқинда қирғизларнинг “Жаннат оналар оёғи остида” бадиий фильми ўғринча телеграм каналларида тарқатилишига қарши кенг жамоатчилик ўрнили тарзда эътироз билдирди. Муаллифлик ҳуқуқи ҳимоя қилиниши керак.

Аммо Шерали Жўраев кўшиқларига келганда нима учундир меросхўрларнинг ҳақли эътирозига қарши борилди ва “Шерали Жўраев кўшиқлари халқ мулки бўлиши керак”, дея фикрлар билдирилди. Ўзбекистонда “Муаллифлик ҳуқуқлари” деган тушунча кенг тарғиб қилиниши керак. Муаллифлик ҳуқуқлари ҳақида тушунчага эга бўлмай туриб фикр билдириш ўринсиз деб ўйламан.

Оддий мисол, қозоқ киночилари “Темир хотин”нинг қозоқча вариантини суратга олишмоқчи бўлиб, Тошкентга – Ёзувчилар уюшмасига келишган, у ердан адабнинг манзилини олиб, оиласидан руҳсат сўрашган. Мана буни муаллифлик ҳуқуқларига ҳурмат кўрсатиш дейилади.

Дейлик, улуғ адилларимизнинг китоблари нашр қилинадиган бўлса, албатта, уларнинг меросхўрларидан руҳсат олиниши ва уларга гонорар тўланиши шарт. Худди шундай, улуғ санъаткорларнинг (дейлик, Шерали Жўраев, Комилжон Отаниёзов, Нуриддин Ҳайдаров, Охунжон Мадалиев, Мухриддин Холиқов ва бошқалар) кўшиқлари – халқ мулки, аммо меросхўрлари тирик. Улардан руҳсат олиш шарт. (Рухсат олиш учун маълум миқдорда ҳақ тўланади. Тўйларга фалон долларга борадиган хонандо



отарчилар учун бу арзимас пуллигини 1-синф ўқувчиси ҳам билади).

Ҳа, айтмоқчи, ўзбекистоннинг Бутунжаҳон савдо ташкилотига кириши шартларидан энг асосийларидан бири айнан муаллифлик ҳуқуқларига риоя этиш ҳисобланади.

Айтмоқчиманки, “кўшиқларга қоровул” иборасига кинояси ёндашиш керак.

Яна бир гап. Шерали Жўраев кўшиқлари – бошқа санъаткорлар томонидан айрилса ҳам, айрилмаса ҳам урбоқий кўшиқлар. Ҳозирги воқеалар ўткинчи, Шерали Жўраев улуғ санъаткор сифатида ўзбек санъати осмонидида юлдуз эмас, қуёш бўлиб қолади.

Гапираман деса гап кўп. Ҳозир тирик юрган айрим улуғ санъаткорларимиз ҳам фаришта эмас. Марҳумларнинг эмас, тирикларнинг ҳам оиласи сирларини ёрита оладиган мард борми?

Шарофиддин ТЎЛАГАНОВ



15 МАЙ — БОТУ ТУФИЛГАН КУН

## ҚАРДОШНИНГ ҚАДРИ

Ўзбек адабиётининг дунёдаги бошқа халқлар адабий-маънавий муҳитига кириб боришида, табиийки, фидойи зиёлилар, хусусан, таржимон ва адабиётшуносларнинг хизматига ҳамма замонларда эҳтиёж сезилади. Бугунги адабий ҳаётга назар ташланса, кўплаб турк адабларининг асарлари ўзбек тилига таржима қилинганга гувоҳ бўламиз. Икки қардош адабиёт муаммоларига доир айрим қиёсий тадқиқотлар ҳам майдонга келди. Айтиш мумкин ва замонавий ўзбек адабиёти намуналари турк тилига таржима қилиниб, қардошларимизнинг муҳташам кутубхоналари ҳамда туркиялик адабиёт муҳаббарининг китоб жавондан ўрин олаётгани сир эмас. Бу йўлда кўплаб маънавият захматкашлари жонбозлик кўрсатиб келади. Шулардан бири, ўн йиллардан бери танганим адабиётшунос олим, таржимон Вали Саваш Елокдир.

Вали Саваш муаллим замонавий ўзбек адабиёти намуналари, хусусан, Ғафур Ғулом, Эркин Воҳидов, Хайриддин Султонов, Назар Эшонқул ва бошқа адабларнинг асарларини турк тилига ўғирди; нашр қилди. Унинг ташаббуси билан Туркияда “Ўзбек адабиётининг таълиқлари” тўплами бир неча марта босилди. Профессор Зайнобиддин Абдирашидов билан

бирга ўзбек жаҳид адабиёти намуналарини турк ўқувчиларга тақдим этди.

Аслида Вали Саваш муаллимнинг илмий тадқиқотчилик фаолияти бевосита замонавий ўзбек адабиёти билан боғлиқ. Ўз вақтида “Эркин Воҳидов шеърларида тил ва услуб” мавзусида докторлик (PhD) диссертациясини химоя қилди. Бир муддат Тошкент давлат Шарқшунослик университетида талабаларга сабоқ берди. Уша даврда ўзбекистонлик ҳамкасблари билан бамаънавият танқиди турк адабларининг ҳикояларини ўзбек тилига таржима қилиб оммалаштирди.

Доктор Вали Саваш бугун Анқарадаги нуфузли Ҳожи Байрам Вали университетида айнан “Замонавий туркий тиллар ва адабиётлар” бўлимида мудири вазифасида ишлайди. Бўлимда ўзбек адабиётига боғлиқ илмий мавзуларни муҳокама этадиган ёш тадқиқотчиларга раҳбарлик қилади, беминнат маслаҳат ва амалий ёрдам беради.

Вали Саваш Елок филологияга оид кўплаб халқаро анжуманларда биз билан ҳамкорлик қилади; жиддий қиёсий-типологик ўйиндаги маърузалари билан қатнашади. Бу ҳол олимнинг ўзбек-турк адабий алоқаларида фаол

эканидан дарак беради.

Умуман олганда, бугунги адабий алоқалар ривожига, миллий адабиётимизнинг Туркияда кенг тарғиб этилишида Вали Саваш Елокнинг хизматлари катта. Яқинда у Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг фахрий аъзоси бўлди. “Jadid” таҳририяти муҳокама эстафетасида қардошимиз Вали Саваш муаллимни табриклайди ва келгусидаги ҳамкорлик режаларига омад тилайди.

Қуйида олимнинг ўзбек шоири Боту тўғрисидаги йирик мақоласининг бир қисми газетхоналарга тақдим этилмоқда.



К.БАҲОДИР

ХОТИРА АЗИЗ

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда).

**Боқижўраев Умархўжа** – 1896 йили Бухоро шаҳрида туғилган. “Миллий иттиҳод” аксилинқилобий ташкилотининг собиқ аъзоси. 1935 йили судланиб ЎзССР Жиноят кодексининг 212-моддаси билан 8 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган. Қамоққа олинган пайтда аниқ машғулот бўлмаган. ЎзССР ИИХ Бухоро секторининг 11760-сонли иши бўйича у доимий равишда аксилинқилобий, ивгогарлик тарғиботи олиб борганлик ва иттиҳодчиларнинг қатор аксилинқилобий йиғилишларида иштирок этганлиқда айбланган. 1931 йили Эронга тилло сифатида 5000 туман юборгани учун 10 йил меҳнат тазатув лагерига ҳукм қилинган. Муддати 1937 йил 20 октябрдан ҳисобланган.

## ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ

**Дўстмуҳаммадов Машраб** – 1898 йили Қўқон шаҳрида туғилган. 1933 йили 8 йил озоқликдан маҳрум қилинган. “Миллий иттиҳод” аксилинқилобий ташкилоти собиқ аъзоси. Акбар Исмоилов, Шомансур Алихўжаев ва бошқалар билан алоқада бўлган, доимий равишда советларга қарши кўпуровчилик ишларини олиб борганлиқда айбланган. 10 йил меҳнат тазатув лагерига ҳукм қилинган. Муддати 1937 йил 10 августдан ҳисобланган.

**Низомбоев Иноғомжон** – 1901 йили Наманган шаҳрида туғилган. 1931 йили 5 йил муддатга қамалган. “Миллий иттиҳод” аксилинқилобий ташкилоти Наманган филиали раҳбари бўлган. Ҳибсга олинган вақтда сабзавот тайёрлов пункт мудири вазифасида ишлаган. Совет ҳокимиятига қарши тарғибот олиб бориб, троцкийчилар қатағон қилинишига ҳамдардлик билдирган. Аксилинқилобий йиғинларда қатнашиб, жосуслар билан боғланганлигида айбланиб, отувга ҳукм қилинган.

**Бурхонхўжаев Аъзамхўжа** – 1893 йил Тошкент шаҳрида туғилган. 1919 йилдан Эсерлар партиясида бўлган. Тошкент исёнида совет ҳокимиятига қарши чиққан. 1921-1929 йиллари “Миллий иттиҳод” аксилинқилобий ташкилоти аъзоси бўлган. Қамоққа олинганга қадар ЎзССР Молия халқ комиссарлиги хўжалик бошқармаси бошлиғи вазифасида ишлаган. Партия ва совет ҳокимиятига, сиёсатига қарши мунтазам тарғибот олиб борганлиқда айбланиб, отувга ҳукм этилган.

**Муҳиддин Жалол** – 1890 йили Ордонжонқидзе райони Нугой кўрғон қишлоғида туғилган. 1927 йилгача “Миллий иттиҳод” аксилинқилобий ташкилоти аъзоси бўлган. Ҳибсга олинган вақтда колхозда ишлаган. Доимий равишда аксилинқилобий, трокийчилик тарғиботи олиб бориб, СССРдаги очарчилик тўғрисида ивго тарқатганлиқда айбланган. 10 йил муддатга меҳнат тазатув лагерига ҳукм қилинган.

**Ёқубов Илҳом Орифжонович** – 1891 йили Тошкент шаҳрида туғилган. “Миллий иттиҳод” аксилинқилобий ташкилоти аъзоси бўлган. 1937 йили ВКП(б) сафидан ўчирилган. Турсунхўжаев, Исломов, Ёқубов ва бошқалар билан яқин алоқада бўлганлиқда айбланиб, 1937 йил 14 сентябрдан меҳнат тазатув лагерига ҳукм қилинган.

**Купубоев Насриддин** – 1890 йили Каттақўрғон шаҳрида туғилган. Ҳибсга олинган вақтда ишсиз бўлган. 1920 йилдан 1924 йилгача миллатчи, “Миллий иттиҳод” аксилинқилобий ташкилоти аъзоси. Мунтазам аксилинқилобий тарғибот олиб борганлиқда айбланиб, 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 20 сентябрдан ҳисобланган.

**Камоллов Мулла Мардам** – 1884 йили ЎзССР Каттақўрғон райони Ерматқўзи қишлоғида туғилган. 1933 йилда 3 йил муддатга озоқликдан маҳрум қилинган. 1936 йилгача “Миллий иттиҳод” аксилинқилобий ташкилоти аъзоси бўлган. Совет ҳокимиятига қарши муросасиз душман сифатида аксилинқилобий тарғибот олиб борганлиқда айбланиб, 1937 йили 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган. Жазо муддати 19 сентябрдан ҳисобланган.

**Абдусатторов Қўзи Ҳайдарбек** – 1875 йили Самарқанд шаҳрида туғилган. Утмишда волост бошқарувчиси бўлган. “Миллий иттиҳод” аксилинқилобий ташкилоти фаолларидан бири. Ҳибсга олинган пайтда аниқ машғулот бўлмаган. Ўз атрофига собиқ аксилинқилобий ташкилотчиларни тўплаб йиғинлар ўтказган, тарғибот олиб борган, совет ҳокимиятига қарши курашишга даъват қилганлиқда айбланиб, отувга ҳукм қилинган.

**Хусанов Камолдидин** – 1880 йили Самарқанд шаҳрида туғилган. Чор Россияси даврида маҳаллий полиция бошлиғи вазифасида ишлаган. 1916 йилдаги Жибсга қўзғолгани бостиришда иштирок этган. Ҳибсга олинган вақтда ҳеч қандай тазатув лагерига қўйилмаган. 1920-1924 йиллари “Миллий иттиҳод” аксилинқилобий ташкилоти аъзоси бўлган. Совет ҳукумати қарши йиғинларда иштирок этганлиқда айбланиб, отувга ҳукм қилинган.

**Раҳмонбердиев Топиболди** – 1884 йили Самарқанд шаҳрида туғилган. 1919-1926 йиллари “Миллий иттиҳод” аксилинқилобий ташкилоти аъзоси бўлган. Ҳибсга олинган вақтда Ўзконсервтрест контораси котиби вазифасида ишлаган. Ўз уйда аксилинқилобий ташкилот тuzанлиқда айбланиб, 10 йил муддатга меҳнат тазатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 12 сентябрдан ҳисобланган.

**Уринхўжаев Мирзахўжа** – 1897 йили Жомбой райони Жомбой қишлоғида туғилган. 1921-1926 йиллари “Миллий иттиҳод” аксилинқилобий ташкилотининг фаол аъзоси бўлган. Қамоққа олинган пайтда мева-сабзавот тажриба станцияси директори вазифасида ишлаган. Ўз уйда йиғинлар ўтказиб, аксилинқилобий тарғибот қилганлиқда айбланиб, 8 йил меҳнат тазатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 17 сентябрдан ҳисобланган.

**Абдуғафоров Абдуазиз** – 1891 йили Самарқанд шаҳрида туғилган. Волост бошқарувчисининг собиқ котиби вазифасида ишлаган. 1926 йилга қадар “Миллий иттиҳод” аксилинқилобий ташкилотининг фаол аъзоси бўлган. Аксилинқилобчи Абдусатторов билан алоқада бўлиб, ўз уйда совет ҳукумати қарши тарғибот олиб борганлиқда айбланган. 10 йил меҳнат тазатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 17 сентябрдан ҳисобланган.

**Рустамбек ШАМСУТДИНОВ**, тарих фанлари доктори, профессор,

**Нигорахон АКАРОВА**, илмий ходим

(Давоми келгуси сонда).

## ЁРУҒ КУНЛАР КУЙЧИСИ



Хур яшаш учун олиб борилган курашлар майдони бўлган инсоният тарихида эрк туйғуси миллатларнинг томирларида доимо жўшқин бир шаклда кезгандир. Бу мислсиз туйғу, тарихий вазият ва шартларнинг мажбуриятларига уйғун ҳолатда, бир миллатнинг қалбида баъзан кучли жўш урган бўлса, баъзан кимнингдир кўнгли дунёда ўзини муҳофаза қилиб, яширин ҳолатда яшаб келган, албатта.

Азалдан ҳеч бир халқ ватанини эркин кўриш, юртида саодатли яшаш гоёларини химоя қилиб, миллатининг руҳини ўстирган жадидларини унутмаган. Унуттиш тугул, номларини қалби тубида сақлаб келгандир. Ўзбеклар учун шундай бир курашнинг байроқдор номлари қаторида 34 ёшида “инқилобга қарши ва миллатчи” айблари қўйилиб, жазога маҳкум этилган ижодкор, муаллим ва жаҳид Маҳмуд Ҳодиев – Боту ҳам бор эди.

Шеърлари 1918 йилдан доимий равишда нашр этила бошлаган Ботунинг шоир сифатида шаклланишида ижодининг икки даври хусусида сўз айтиш ўринлидир. Илк даврда Абдурауф Фитрат, Абдулқамид Чўлпон ва Машриқ Юнусов – Элбек таъсири алоҳида кўзга ташланади. Фитрат ва Чўлпон умидланиб Боту қаламида келажакни кўради ва бу ёш шoirни ўз таъсир доираларида тутишга интилади. Шу сабабдан унинг адабий, сиёсий ва ижтимоий фикрлари уйғонишида Фитратнинг шеърлиги услуби шаклланишида Чўлпоннинг таъсири кучли бўлди. Боту ижодининг илк даврида айна устозларини мақтайди ва ўша шеърларида янги давр руҳини акс эттиради. 1922 йили босилган “Ўзбек ёш шоирлари” мажмуасида унинг шеърлари Фитрат, Чўлпон ва Элбекнинг шеърлари билан бирга нашр қилинди. Ботунинг истеъдодини пайқабган Чўлпон унга: “Шеърятимизнинг порлоқ юлдузи”, дея таъриф беради. Унинг бу даврда ёзган шеърларида қўйилган назмий услуби ва шеърли тилида ҳам Чўлпонга тақлид сезилади:

*Кенг чўлларда, денгизларда  
йўлдан чиққан йўлчилар,  
Марҳаматли сен юлдузга  
қараб йўлни топарлар.  
Тил-тинч тунда йўлни билмай  
қўрқинч аро қолганлар  
Сен гўзалнинг кўмагини-ла қўрқинчлардан қутлар.  
Эй кўмакчи, марҳаматли Темир қозик юлдузи!*

(“Темир қозик юлдузи” шеърининг)  
Турли жанрларда ижод қилган Маҳмуд Ҳодий Алишер Навоий, Фузулий, Лутфий ва Фурқат каби

мумтоз шоирларнинг асарларини ўқиб, улардан таъсирланиб ва ҳазрат Навоийга эргашиб шеърлар ёзади:

*Бир замонлар элимиз  
Қоронғуда қолмишди.  
Бу чоқларда тилимиз  
Ерли исм олмишди...  
“Бу тушунча янглишди,  
Ўз тилини севадлик  
Энг ярамас бир шодир.  
Биз яшамок истасак,  
Тилимизни севайлик.  
Бизнинг тили ярамас,  
Ерли, деган кишилар  
Янглишлар, шубҳасиз.  
Бизнинг тил ҳам бой тилдир”,  
Деди онали бир киши...  
“У киши ким?” десангиз,  
Айтиб берай, уртоқлар.  
У кишини билсангиз,  
Буюк шоир Навоий.  
Шунинг учун, болалар,  
Навоийни севайлик.  
Навоийнинг отини  
Олтин билан ёзайлик.*

(“Навоий” шеърининг)

Маҳмуд Ҳодий Москвада яшаган вақтларида Фитрат ва Чўлпон қаторида яна бир “устоз”нинг борлиги ошкор бўлади. Ижодининг иккинчи даврида шаклланиган бу “устоз” янги бир давр ва сиёсий тузумнинг кўрувчиси бўлишини ваъда берган, буни амалга ошириш йўлида тезкор қадамлар билан ҳаракат қилган сиёсий идорадан бошқаси эмас. Аслида, бу устозларнинг ҳар бири ёш шоирни ўз йўлидан юрдиришга ҳаракат қилишарди. Бу шаҳардаги таҳсил йилларида Ўзбекистондаги адабий ҳаётдан ва муҳитдан узилмаган Маҳмуд Ҳодий Тошкентдаги дўстлари билан алоқа қилишда, ҳаёт ва адабиётда ўхшаш нуқталардан қарайдиган фикрдошлари билан ёзишда, турли газета ва журналларнинг муҳаррирлари билан муносабат олиб боришда давом этади. Бу йилларда унинг шеърлари билан бир қаторда адабиёт, санъат ва янги ижтимоий тузум билан боғлиқ мақолалари “Инқилоб”, “Ўзгартишчи ёшлар”, “Маориф ва ўқитувчи” каби нашрларда босилиб туради. Унинг шеърлари 1924 йили “Гўзал ёзгичлар” тўпламида Абдулла Қодирий, Ойбек, Олтой каби адабларнинг асарлари билан бирга нашр этилади.

1920 йиллардан кейин бутун ўлкада бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам жадал ўзгаришлар юз беради. Улар яшаган давр Маҳмуд Ҳодий ва у каби ёшларнинг фақат янглик тарафдори қилмай, балки айни пайтда бутун мамлакат бўйлаб ўрнатилган тузум ҳимоячиси ва нотиги бўлиш вазифасини ҳам уларнинг

зиммасига юклайди. Шу муносабат билан у ўз асарлари орқали янгликларни ҳам ёшлар ҳаётига олиб кириш, уларга ўз хоҳиш-истаклари, орзу-умидларини синдириш ва шу йўл билан советларнинг ғалаба қилишига ўз ҳиссасини қўшиш гоёсини амалга оширади. Бу йилларда қайси фикр ва туйғулар билан бу курашда бўлганлиги, унинг адабий қарашлари ва йўналишини тушунишда қуйидаги мисралар ёрдам беради:

*Кўнглим ёш, руҳим ёш, кучим ёш,  
Ёш йўллар, ёш кучлар излайман.  
Ортага торганга ҳадам – тош,  
Ҳар чоқ мен илгари ундайман.*

(“Умид сўзлари” шеърининг)

Янги тузумнинг ашаддий ҳимоячиси ва унинг курашчиси Ҳодий ўзига даврдош бўлган Ойбекнинг “Кўнгли найлар” китобига ёзган муқаддимасида ёш шоирни табриклайди; унга ўз ижодини янада камол топтириш учун бир қанча маслаҳатлар беради. Шунингдек, бу асар муносабати билан давр шоир ва ёзувчиларига асарларида “буюк ютуқ ва зафарларининг ўқувчиларига хушхабар беришларини” хоҳлайди; шоирларни “инқилобий шеърлар ёзишга” даъват этади.

1925 йилда Ҳодийнинг “Умид учкунлари” номи биринчи шеърли китоби нашр этилди. Бундаги шеърларида инқилоб ва уни амалга оширган руҳга эътибор қаратади. Янги тузум одамлари олиб келишга ваъда қилган янги ҳаётни ўрнатиш учун курашда қатнашишга тақлиф қилади. Ўзини бу жараённинг асари сифатида кўрган Боту ўз тутумини шеър ва мақолаларида баён қилади. Шоир ўзини шунга яраша шакллантирганини ва ўзида ҳам шундай руҳ борлигини айтади. Шеърларида, айниқса, инсоният бошига мусибат ва азоб-уқубат келтираётган урушга эътибор қаратади. Ёзганларида тўғридан-тўғри маълумот берувчи жараёндан кўра, оддий кузатишларидан чуқур ҳаётий маъноларни олишга интилади.

Шоирнинг иккинчи китоби – “Тўлқин товушлари”даги шеърларида янги ҳаётни шакллантириш, ўзи хоҳлаган янги инсон типи ва инсоний муносабатларни акс эттиришга ҳаракат қилади. У дунёдаги турли воқеаларни шеърлари учун мавзу қилиб олади. Шеърларида замон фарзандларининг эртанги кунлари ёруғ ва гўзал бўлишига, халқнинг фаровон ва бахтли яшашига самимий ишонч билдиради:

*“Мен-да сен каби шўх, сен каби мағрур,  
Мени “менлик”ка асир эта олмас бу гурур.  
Чунки мен  
Олганман  
Бу гуруримни  
Бу гуруримни  
Шонли вулқондан,  
Тенасис исвондан.*

Чунки мен

Олганман

Бу гуруримни

Бу гуруримни

Шонли вулқондан,

Тенасис исвондан.

Эски дунё қачқанга ондан.

*Менинг кўнглимда-да пўртаналар,  
Пўртаналар!  
Чунки пўртана мендир, мен-да пўртанаман!”*

(“Каспий денгизга” шеърининг)

Унинг шеърларида йўл, ёруғ, кун, баҳор, тонг, денгиз, аланга, саҳар сўзлари турлича маъноларда қўлланади. У шу сўзлар билан халқ кураши натижасида қўлга киритилган эркинлик, ўрнатилган янги тузум ва ҳаёт, янги бир жамиятни тасвирлайди. Бу унинг олдида турган ёруғ йўл ҳақида хикоя қилади. Унинг шеърларида кураш натижасида эришилган нарсалардан фахрланиш ва ҳаётга умид қилган қараш; умидсизлик, муаммо, турғунлик ва бефарқлиқни маъқулламайдиган ёндашув мавзуд. Нима қилишни хоҳлаётганини аниқлаш, “кўз ёшлари” билан эмас, балки фақат мақсад ва идеалларни банд овозда айтиш; эътиқод, ғайрат ва шижоат билан меҳнат қилиш орқалигина буларга эришилади, деб ҳисоблайди.

Маҳмуд Ҳодий асарларида ўз ватанида бахтли ва тинч яшаш мақсадини қуйлади. Адолат ва ҳақиқатни моҳирона ифодалаган, миллатининг руҳини юксалтирган шеърлар ёзишга интилади. У маъсуляти зели сифатида ўзбеклар учун курашнинг байроқдорига айланади. Шоирнинг адабиёт ва санъатга қизиқувчанлиги, иштиёқи ҳам, халқига хизмат қилишга интилиши ҳам шу мақсадда эди...

Бутун мамлакат бўйлаб тақлид этилган тизимнинг яратувчиси, асосчиси, ҳимоячиси ва кўзга кўринган вакили бўлиш юқини ҳам зиммасига олди. Ўз асарлари билан янглик ижрочиси бўлган Маҳмуд Ҳодий ёшлар ҳаётига кириб бориш, уларга ўз хоҳиш-истаклари, орзу-умидларини синдиришга интилади. Ёзган шеърлари, достонлари, ҳикоялари ва мақолаларида янги инсон образи ва ўрнатилган янги тузум билан бирга ўзи орзу қилган инсонпарварликни ҳам шакллантиришни истади. Миллатининг дардини ифодалашга ҳаракат қилди. Келажак авлодини ёруғ кунлар кутаётгани, ҳали ҳаётининг бундан ҳам гўзал бўлишини, одамлар фаровон ва бахтли яшашини таъкидлади. Шоирнинг ўзи буларга чин дилдан ишонди. Шунинг учун ҳам у “инқилобга қарши ва миллатчи”ликда айбланган вақтларида ўзига берилган жазога бўйсуниб, меҳнат лагерларида ва қамоқхоналарда: “Озоқликка қайтаман”, деган умидда ёруғ келажакни кўтди.

Шукрим, кун келиб ўша ёруғ тонлар отди.

Вали Саваш ЕЛОК,

Туркиядаги Ҳожи Байрам Вали университети профессори

Туркчадан Абдимурод ТИЛАВОВ таржимаси.

ТАБДИЛ



Ўртоқ Ойбекнинг йигирма етти шеърининг иборат асари бўлиб, Ўзбекистон давлат нашриёти томонидан 1927-нчи йилда босилган.

## “Сезинлар”

(Шоирлар тўпламидан 4-бўлак)

Китобнинг ўзи – шоирнинг “Сўнги ҳушёрлик” сарлавҳаси билан бошланиб, биринчи қарашда Ойбекнинг “олтин қадаҳлар”дан безгани, унинг энди ҳушёр бўлиши ва эскиликдан нафрат этгани аниқлашади. Унинг кетидан келган шеърлар – бу тушунчада янглишмаганимизни исбот қилди. Айтиб бўладиким, 1926-нчи йилда ёзган шеърларида ўртоқ Ойбек пролетариат шоири бўлишга урунган ва бу

урунишга муваффақ бўла ҳам бошлагандир. Бу ўзгариш, албатта, ёш шоирнинг келгусида муваффақиятли қадамлар ташлашига йўл очганлигини кўрсатади.

Бундаги шеърларнинг бадий, санъат жиҳатидан бўлган қиймати устида тўхталмоқ истамасдим. Негаким, бу масаланинг ўзи бу китобга тақриз ёзишдан узоқ бўлиб, тўппа-тўғри шоирга баҳо бериш масаласидир ва бунинг учун вазифа

бошқалашиб кетади. Фақат Ойбек ўртоқ ўзининг шеърларида хурлар, малакаларга ўрин бермасе, “етти қават осмон” каби янглиш таъбирларни киргизмасе, “ҳоли табоҳ” сингари ёт таркивлардан бутунлай қўл тортса яхши бўлар эди. Бу тилагимизнинг қабулга тутишига ишонамиз. Негаким, бутун китобда уч жойдагина буларни учратдик: шеър ҳаваскор ва мутлоачиларнинг бу китобни олиб ўқишларини тавсия қиламиз.

Саид АҲРОРИЙ

“Маориф ва ўқитувчи” журналининг

1927 йил 4-сонидан

Б.Муҳаммад НУП тайёрлади.



## ЯНГИЧА ТАФАККУР

Ўйлашимча, айрим тенгдошларим шунчаки бакалаврият ва магистратура имтихонларини топшириб олиш, яна бошқалари чет элда ўқиш ёки ишлаш, баъзилар эса ойлик маошига қўшимча устамага эга бўлиш илмингда хорижий тилларни ўрганишга ҳаракат қилишади. Аслида, бунинг ёмон томони йўқ. Хорижий тилларни ўрганиш жуда қизиқ ва фойдали жараён бўлгани учун мен бу борада ўз қарашларим билан ўртоқлашгим келди.

Маҳмудхўжа Бехбудий ҳазратларининг машҳур даъватини мақола сарлавҳасига чиқарганим ҳам бежиз эмас. Зотан, ул зот "Ойна" журналида эълон қилинган "Икки эмас, тўрт тил керак" мақоласида шундай деб ёзган эди: "Биз туркистонийларга туркий, форсий, арабий ва русий билмоқ лозимдир. Форсий билган киши Фирдавсий, Бедил, Саъдий, "Маснавий"дан қандай лаззат олса, туркий билганлар Фузулӣ, Навоӣ, Боқӣ, Сомӣ, Абдулҳақ Хомид, Акрамбек, Санойӣ Нобӣ, Ножийлардан, яна Толстуй, Жул Верн ва уламоӣ замоний асарини туркий таржимасидан лаззат оладур".

Бундан қарийб бир аср муқаддам маърифатпарвар аждодларимизнинг илм олиш, тил ўрганишга қилинган хитоблари ҳозирги замон аҳли учун ҳам долзарбдир. Чет тилларни ўрганиш орқали ўзга халқларнинг адабиёти, маданияти ва урф-одатлари билан ҳам яқиндан танишиш мумкин. Бу эса, ўз-ўзидан кишининг дунёқарашини кенгайтиради, фикрларини раван қилади. Шунингдек, тил билган инсон ҳар қандай вазиятда ҳам ўзининг камситилишига йўл қўймайди, шаъни ва ҳуқуқини ҳимоя қила олади. Айниқса, ҳозирги глобаллашув даврида бу жуда муҳим масаладир.

Албатта, тил ўрганиш осон юмуш эмас, айрим одамлар учун бу жараён жудаям қийин кечади. Баъзилар эса, ҳатто туғма тил ўзлаштириш қобилиятига эга бўлиши мумкин. Илмий тилда полиглот деб аталадиган бундай инсонлар бир ёки икки тилни ўзлаштириш билан чегараланиб қолмайди. "Полиглот" сўзи юнон тилидан олинган бўлиб, луғавий жиҳатдан "кўп тил эгаси" деган маънони

билдиради. Агар инсон уч ёки ундан кўп тилни билса, у, албатта, полиглот ҳисобланади. Бундай инсонлар тақдир ўзига жуда қисқа муддатларда янги тилларни ўзлаштириш қобилиятини ато қилгани билан фахрланса арзийди.

Маълумотларга кўра, венгриялик таржимон ва ёзувчи Иштван Даби дунё микёсида энг кўп тил биладиган ноёб иқтидор соҳибларидан бири ҳисобланган. У оз эмас, кўп эмас, нақ 103 та тилни бемалол амалиётда кўллаётган ва ўз даврининг полиглотлари орасида фахрий ўринни эгаллаган. Қизиғи, унга ана шу тилларни ўрганиш учун йиғирма икки йил кифоя қилган экан.

Этиборли жиҳати, бизнинг буюк аждодларимиз ҳам дунё тил-



ларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратишган. Тарихий манбаларга кўра, Шарқ мамлакатларида "Шарқ Арастузи" сифатида ном қозонган улуг донишманд Абу Наср Фаробий 70 та хорижий тилни билан фахрланса арзийди.

Оққан дарё оқади, деб бежиз айтишмаган. Бугун ҳам юртимизда фахрланса арзийдиган полиглот ёшлар талайгина. Мисол учун, замондошимиз Дилшода Ҳакимова инглиз, рус, немис, турк, француз, араб тилларини билади. У 2020 йили давлатимиз раҳбари иштирокида илк бор ўтказилган Ўзбекистон ёшлари форумида етти тилда сўзлаб, кўпчилигининг эътирофига сазовор бўлган.

Айтишларича, бир неча хорижий тилни ўзлаштирган одам кейинчалик бошқа тилларни ўрганишда айтирли қийинчилик сезмас экан. Бу борада ортирилган кўникма ва тажриба кишига кўл келиши тайин. Шу билан бирга, тил ўрганиш жараёнида учта муҳим жиҳатга алоҳида эътибор қаратилса, натижаси яхши бўлиши мумкин.

Биринчидан, ёшлар тил ўрганиш – маънавий таълим олиш, танлаган соҳасида карьера қилиш сингари улкан мақсадларга эришиш учун калит вазифасини ўтагани мудом ёдда тутиши лозим.

Иккинчидан, аввал тил, сўнгра ёзув пайдо бўлган! Демак, чет тилни ўз-



лаштириши ўша забонда сўзлашганидан бошлаб, олинган билимни ёзув ва мисоллар орқали мустаҳкамлаш ўринлидир. Ҳар кун 15-30 дақиқа вақтни ўрганиётган тилнинг грамматик қоидалари билан танишишга, яна шунча вақтни ёд олинган қоидаларни амалда қўллашга сарфлаш зарур. Шунингдек, ўша тилдаги китоблардан 3-5 саҳифалик матнни маъносини тушунган ҳолда ўқини ҳам қанда қилмаслик лозим.

Учинчидан, ва энг муҳими, бу жараёнда тил ўрганувчининг руҳий ҳолати муҳим аҳамиятга эга. Аниқроқ айтганда, катта завқ-шавқ ва кўтаринкилик билан ўзлаштирилган маълумотлар унинг хотирасида умрбод муҳрланиб қолади. Демак, тил ўрганмоққа жазм қилган тенгдошларимиз ғайрат камарини белгилашга зарур. Ана шунда албатта кўзлаган мақсадига эришади.

Мен ҳам инглиз тилини мукамал ўрганишга ҳаракат қиламан. Бир кун метрога чипта олиш учун навбат кутиб турганимда ҳиндистонлик икки меҳмон сотувчига инглиз тилида муносабат қилиб қолди. У ҳеч нарсага тушунмай елка қисди. Шунда ўзимча уларга тилмочлик қилдим. Меҳмонлар ҳам, чипта сотувчиси аёл ҳам менинг кўмагимдан мамнун бўлишди. Арзимасдек туюлган бу воқеа менга ўзгача таъсир қилди. Кўнглимдан "бекорга тил ўрганмаётган эканман" деган фикр кечиб, қарорим янада қатъийлашди.

Сир эмас, кўпчилик юртдошларимиз чет элларга бориб, мўмай пул ишлашни

орзу қилади. Масалан, Америка Қўшма Штатларини афсонавий Сусамбил ўлкасига менгзаб, нима қилиб бўлса-да, ўша ерга етиб олишни ўйлайдиганлар оз эмас. Кечирасиз-ку, бирор тилни билмасдан туриб чет давлатда катта маош ишга жойлашнинг имкони йўқ. Ҳатто, оддий юмушлар учун ҳам муайян билим, маҳаллий тилда гаплашиш кўникмаси талаб қилинади. Афсуски, кўпчилик "тарозининг иккинчи палласи" ҳақида ўйлашни хаёлига ҳам келтирмайди ва турли хаёлий режалар билан ўзини овунтиради.

Ижтимоий тармоқларни "портлатётган" маълумотларга кўра, чет давлатларда ишлаётган мигрантлар орасида фирибгарларга алданиш, паспортини йўқотиш ёки кимгадир олдириб қўйиш, иш жойида ҳақ-ҳуқуқларини етарлича талаб қила олмаслик ҳолатлари кўп учрамоқда. Очиғи, бундай муаммоларнинг деярли ҳаммаси илмсизлик ва тил билмаслик оқибатида юз бераётганидан кўз юмиб бўлмайди.

Бугун юртимизда илгари сурилатган учинчи Ренессанс гоёси халқимиз руҳиятига яқин, донишманд аждодларимизнинг азалий орзу-армонлари ифодаси ҳисобланади. Зотан, вақтида жадид боболаримиз томонидан қадалган илм-маърифат ниҳолларини парваришлаб, ҳосилдор дарахларга айлантириш бугун сизу бизнинг чекимизга тушган муқаддас вазифа эканлигини доимо ёдда тутишимиз шарт. Ёшларимиз бундай шарафли мақсадга эришиш йўлида хорижий тилларни пухта ўзлаштиришнинг аҳамиятини чуқур ҳис қилиб, шунга интилиб яшаш зарур.

Дилдора ДЎСМАТОВА,  
ЎзЖОКУ талабаси

# ИККИ ТИЛ ЭМАС, ТЎРТ ТИЛ КЕРАК!

*Ёзувчи ўз халқининг тилини, фольклорини камол ўрганиши шарт ва бир неча тилларни, айниқса яқин қўшин тилларини билиши фазилат. Шундангина тил бойийди, асари жонланади.*

Абдулла ҚОДИРИЙ

## ТИЛБИЛИМ

"Опоқи" деб Фарғонада бобо, Тошкентда ёши катта аёлга нисбатан айтилади. Шунингдек, шеваларда: опойи, опогойи, опоғача, опоғдада каби шакллари ҳам бўлиб, улар: хола, амма, янға, опа, буви, бобо каби маъноларга эга. Хўш, бу тизимдаги атамалар нега ҳам эркак, ҳам аёл қариндошларга нисбатан ишлатилади? Уларни нумулаштирувчи "опо(ғ)-" қўшимчаси нимани билдиради?

"Ўзбек тилининг этимологик луғати"да "опоғойи/ опойи/опоқи" сўзларига умумий қилиб бир изоҳ келтирилган, яъни бу атамалар: "āpāk" сифати ва "айи" отидан тузилган бирикманнинг бир сўзга бирлашувидан юзага келган, – дейилади луғатда (ЎТЭП. I т. 255-бет). Ушбу иқтибосда келтирилган "āpāk" – ҳозирги тилимиздаги "оппоқ" бўлиб, Кошғарий бобомиз "Девону луғотит-турк"да бу сўзни: "āp" – таъкид ва кучайтириш кўмакчисининг "āq" ("оқ") сўзига қўшилишидан ясалган ва "āp-āq" (оппоқ) – "жудаям оқ" маъносини билдиради, деб тушунтиради (ДЛТ. I т. 1960.70).

Тўғри, кекса кишиларга нисбатан "оқсоқол", "мўйсафид", "нуроний" деймиз, аммо "жудаям оқ" маъносидagi "оппоқ" сўзини ёшлар ва аёлларга нисбатан ҳам қўлланиши гализ туюлади. Қолаверса, "оппоқ" ўтимида ҳеч қачон иззат-ҳурмат маъносини ташмимаган. Майли, "опоғ ойи", "опоғ дада", "опоғ ача" каби сўз бирикмалари "оппоқ" иштирокида ясалган деб фараз қилайлик, аммо "опоқи"ни қандай тушунтириш мумкин?

Бизнингча, бу атамаларнинг рангини билдирувчи "оппоқ" сўзига мутлақо алоқаси йўқ ва "Ўзбек тилининг этимологик луғати"да уларга берилган изоҳ тўғри эмас. Бу атамалар, шунингдек ҳозирги тилимиздаги "опа" сўзи ҳам, қадимги туркийдаги бир ўзакка – "аба/апа" архетипига бориб тақалади.

"Девону луғотит-турк"да "аба" сўзи шундай изоҳланади: "аба – она (ўғузча). Қарлук туркманлари қаттиқ Ҷ билан апа дейдилар" (ДЛТ. I т. 1960.113). Шунингдек, "Девон"нинг ўша бетига "аба"нинг ик-

кинчи маъноси ҳам келтирилади: "аба – ота (тубуллар тилида). Бу араб тилининг изи бўлса керак. Чунки тубуллар Ямандан қочиб, турклар шахрига келиб, бола-чақа қилиб қолган бир кишидан тарқанганлар. Улар Бану Собитнинг авлодларидир".

Тўғри, араб тилида "аб" – "ота", унинг кўплиги эса – "аба" ёки "обо", яъни "оталар" маъносига, аммо туркий "аба/апа" архетипининг исломдан олдин ҳам мавжуд бўлганлиги ва "ота", "бобо", "аждод" маъноларини билдирганлиги унинг арабча "обо" га алоқаси йўқлигини билдиради. Арабча "обо"ни ёзма адабиётда баъ-

она ва бошқа қон қариндошлик атамалари бир-бирига ўхшаб кетади. Бунинг сабабини шундай тушунтириш мумкин: одатда, гўдаклар катталардан сўз ўрганади, аммо ота, она каби қон қариндошлик атамаларининг келиб чиқиши, мутахассисларга кўра, аксинча, яъни аба, апа, апа, ава, ана, ама каби сўзлар гўдакларга тақлидан, гўдак тилидан олингандир, шу боис улар муштарак туюлади.

"Этимологический словарь тюркских языков" (ЭСТЯ) луғатида туркий "аба" дан "апа" ("апа") шакли қадимийроқ, деган фикр айтилади. "Апа" қадимда "ота", "бобо", "аждод" маъносига ишла-



зан учратиш мумкин, хусусан, Навоӣ "Сади Искандарий"да: "Чу обога бу навъ бердинг сифот" ["Оталар (яъни, етти қат осмон)га шундай сифатлар бердинг"], – деб ёзганда арабча "оталар" маъносидagi "аб"ни қўллаган.

Арабча "аб", туркий "аба" каби сўзларнинг ҳам шакл, ҳам маъно жиҳатидан ўхшашлигининг бошқа сабаби бор. Гап шундаки, кўпгина тилларда ота,

тилган. Хусусан, VIII аср ёдгорлиги – Култегин битиктошида "ебў ара" бирикмаси – "аждодлар" маъносига эга. Шунингдек, мазкур луғатда "аба/апа" архетипи қадимги туркийдаги "ёши катта бўлмоқ" маъносидagi "аб" феълидан келиб чиққан бўлиши мумкин, деган фикр ҳам айтилади. Яъни, "апа/аба" деб ёши катта қариндошга нисбатан ишлатилган. "Апа" сўзи қадимда баъзи унвонларга ҳам

қўшиб айтилган, хусусан "ара тарған" ("катта тархон"), "ара tutuq" ("катта ҳарбий волий") каби атамаларда "апа" қариндошликни эмас, балки унвон даражасини билдириб келган.

Юсуф Хос Ҳожибининг "Қутадғу билиг" асарига "апа оғлани" сўз бирикмасига кўп дуч келамиз, бу ибора "одам боласи", "бани одам" маъносига эга: "апа оғлани көрсә арқыш саны", – маъноси: "одам боласини кўрсанг, қарвон сана (ҳисобла)". Яъни, ушбу ўринда "апа" – "одам, энг қадимги аждод, Одам Ато" маъносига келган.

"Этимологический словарь тюркских языков" луғатида ёзилишича, "апа/аба" архетипи туркий тилларда кейинчалик икки йўналишда: ҳам эркак, ҳам аёл қариндошлик атамалари тизими йўналишларида ривожланган. Мазкур архетипдан ўсиб чиққан атамалар ҳозир ҳам баъзи туркий тил ва лаҳжаларда: ота, бобо, амаки, ака каби маъноларни билдирса, баъзиларида: она, опа, буви, сингил каби маъноларда ишлатилади.

Алқисса, ҳозирги ўзбек тилидаги "опа" сўзи ҳам айнан шу ўзақдан. "Опоқи"нинг "бобо" маъноси эса, "апа/аба" архетипи "ота", "бобо" маъносига қўлланидиган туркий лаҳжалар орқали тилимизга кўчган. "Ёши катта аёл" маъносидagi "опоқи" эса мазкур сўзни муаннас шаклида қўлловчи шеваларда пайдо бўлган. "Апа+қ" шаклидаги "қ" кўшимчаси, ЭСТЯда ёзилишича, кичрайтириш, эркалаш маъносини ташийди. "Девону луғотит-турк"да шу усулда ясалган бошқа бир сўз – "атақи"га шундай изоҳ берилди: "атақи – отагиним, отажоним маъносига меҳрибонлики билдирувчи сўз" (ДЛТ. I т. 1960.155). "Бобо" маъносидagi "опоқи" ҳам айнан шу шаклда ясалгандир.

Абдувоҳид ҲАЙИТ

"Jadid" газетаси жамоаси ва муассислари Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон ва Тожикистон халқ артисти Озодбек Назарбековга падари бузруквори Аҳмад ота НАЗАРБЕКОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Jadid

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН  
ЁЗУВЧИЛАР УОШМАСИ

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ  
ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

МИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ  
Қўллаб-қувватлаш  
ВА РИВОЖЛАНТИРИШ  
ЖАМОАТ ФОНДИ

"ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ"  
ЖАМОАТ ФОНДИ

Бош муҳаррир:  
Иқбол Мирзо

Бош муҳаррирнинг  
биринчи ўринбосари:  
Ҳумоюн Акбаров

Навбатчи муҳаррир:  
Муҳайё Пирнафасова

Саҳифаловчилар:  
Эркин Ёдгоров  
Нигора Тошева

Тахририятга юборилган  
мақолалар муаллифга  
қайтарилмайди ва улар  
юзасидан изоҳ берилмайди.

Газета 2023 йил 26 декабрда  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Администрацияси  
хузуридаги Ахборот ва оммавий  
коммуникациялар агентлиги  
томонидан 195115 рақам  
билан рўйхатга олинган.

Кирилл ёзувидаги адади – 6291  
Лотин ёзувидаги адади – 11962  
Медиа кузатувчилар – 12873  
Буюртма: Г – 539  
Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.  
Нашр қўрсаткичи – 223.  
Ташкилотлар учун – 222.  
1 2 3 4 5 6



Манзилимиз:

Тошкент шаҳри,  
Шайхонтоҳур тумани,  
Навоӣ кўчаси, 69-уй

Телефонлар:

Қабулхона: (71) 203-24-20  
Девонхона: (97) 745-03-69  
jadidgzt@mail.ru (71) 203-24-17  
Jadid\_gazetasi@exat.uz

"Шарқ" нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
босмахонаси.

Босмахона манзили:  
Тошкент шаҳри,  
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти: 21:00  
Босишга топширилди: 20:25  
Сотувда нархи эркин.

